БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 68 (16.454). | 24 март 1976 йил, чоршанба | Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Самарқанд области. Нурота районидаги «Қизилча» совхози деҳқонлари Ҳайдаркул массивидан бу йил 50 гектар ер ўзлаштириб, унга беда экишга киришдилар. Уларнинг мақсади ҳар гектар ердан камида 150 центнердан беда етиштириб, чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашдир. Шу кунларда механизатор ва селкачилардан А. Солиев, Ҳ. Шарипов ва бошқа ўртоқлар беда экиш суръатини тинмай оширишяпти. Суратда: хўжаликда беда экиш пайти.

Р. Ғафуров фотоси. (ЎзТАГ).



ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Улуғвор ўнинчи беш йилликда фан-техника тараққиётини янада жадаллаштириш биринчи галдаги вазифалардан бўлиб қолаверади. Чунки, фан мамлакатимизнинг моддий ва маънавий бойликларини кўпайтиришда бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев XXV съездда сўзлаган нутқида шундай деди: «Биз, коммунистлар социализм шароитидагина фан-техника революцияси инсон ва жамият манфаатларига мос келадиган тўғри йўналиш касб этади, деб ҳисоблаймиз. Ўз навбатида фан ва техникани жадал ривожлантириш асосидагина социал революциянинг туб вазифалари ҳал этилиши — коммунистик жамият қурилиши мумкин».

Съезддан съездгача ўтган беш йил ичида социалистик жамиятимиз тараққиёти йўлида, халқ хўжалигига янада кўпроқ фойда келтириш, илм-фан ва маданиятни тағин ҳам бойитиш борасида совет олимлари эришган улкан муваффақиятларда Ўзбекистон илм аҳлининг ҳам муносиб улуши бор. Олимларимиз фаннинг барча соҳаларида самарали ва баракали тадқиқот ишлари олиб бориб, республикада илм-фан, маданият ва техникани ривожлантиришда юксак кўрсаткичларга эришдилар. Илмий муассасалар тармоғи кенгайиб, фундаментал ва амалий тадқиқотлар тобора ривожланиб боряпти. Кейинги йилларда Ўзбекистон партия ва ҳукумати илмий муассасалар фаолиятини яхшилаш, тадқиқот ишлари савияси ва самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор муҳим қарорлар қабул қилди. Илмий муассасаларда ва олий ўқув юртларида ана шу муҳим ҳужжатлар асосида катта халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган изланишлар олиб бориляпти ва улар амалиётда ўз самарасини кўрсатяпти.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг илмий-тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш тўғрисидаги қарори Ўзбекистонда ҳам илм-фанни янада тараққий эттиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Шу қарор асосида аниқ ва табиий фанлар соҳасида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор.

Тўққизинчи беш йилликда Ўзбекистон олимлари жуда кўп соҳаларда катта ютуқларга эришдилар, янгидан-янги ихтиро ва кашфиётлар қилдилар ва уларни халқ хўжалигига кенг жорий этдилар. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий муассасалари бўйича 1971—1975 йилларда уч юздан зиёд тамомланган иш халқ хўжалигига жорий қилиниб, бир миллиард сўмдан ортиқ иқтисодий самара олинди. Олимларимиз эришаётган ютуқлар шуни кўрсатадики, 1971—1975 йилларда Ўзбекистонда фан жадал суръатлар билан ривожланди, илм-фан ва техниканинг халқ хўжалигига баракали таъсири кучайди.

Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, Ўзбекистон олимлари қўлга киритаётган ютуқлар фақат республикамиздагина эмас, ҳатто Қозоғистон, Украина, Туркманистон, Озарбайжон, Тожикистон, Қирғизистон каби қардош республикаларда ҳам ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда. Жумладан, пахта териш машиналаримиздан ва вилтга чидамли, серҳосил «Тошкент» навларидан Ўрта Осиёдаги қардош республикалар муваффақиятли фойдаланмоқдалар. Бу Ўзбекистон фани илғор совет фанининг ажралмас ва таркибий қисми бўлиб қолганлигининг яққол намунасидир.

Олимларимизнинг, айниқса, пахтачилик соҳасидаги ютуқлари халқ хўжалигига катта иқтисодий самаралар келтирмоқда. Пахтакорларимизга манзур бўлган «Тошкент» ҳамда ингичка толали «С-6030», «С-6035», «С-6037» ва бошқа янги навлар мамлакатимиз пахтачилиги ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди. Ўртоқ Л. И. Брежнев ҳақли равишда, «Совет пахтасини етиштирувчи асосий республика бўлган Ўзбекистоннинг ҳиссаси туфайли пахта етиштиришда 1970 йилдаёқ жаҳонда биринчи ўринга чиқиб олдик», — деб юксак баҳолаши бежиз эмас. Шуни айтиш кифояки, республикамиз ҳар йили «Тошкент» навлари туфайли уч юз миллион сўм иқтисодий самара олмоқда.

Фаннинг ишлаб чиқариш билан ҳамкорлигида ҳикмат вз хислат кўп. Илм аҳллари ядро физикаси, математика, кибернетика, электроника, физика, сейсмология, геология, биология, астрономия, механика, химия, микробиология, медицина ва фаннинг бошқа йўналишларини юксалтиришда ғоят қувончли натижаларни қўлга киритмоқдалар. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Биохимия институти билан СССР Фанлар академияси Биоорганик химия институти ҳамкорлигида нейтротоксинларни тадқиқ этишда эришилган муваффақият совет фанининг улкан ютуғи сифатида юқори баҳоланди. Ядро физикаси соҳасидаги изланишлардан олинган муҳим хулосалар амалиётда — фақат республикамиз саноат корхоналаридагина эмас, балки иттифоқимизнинг Челябинск, Златоуст, Ижевск, Норильск, Днепропетровск, Светогорск сингари шаҳарлардаги корхоналарда ҳам қўлланиляпти. Фан ишлаб чиқарувчи кучга айланаётганини кўрсатувчи бундай мисоллар оз эмас. Жумладан, Электроника институтида яратилган уруғлик чигитни тукдан тозаловчи «БЛО-6» батареялари Ўзбекистон ва Туркманистон пахта тозалаш заводларида самарали ишлаб турибди.

Учинчи беш йилликда илм-фанимиз олдида янада ёрқин уфқлар ва истиқболлар очилмоқда. «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари»да совет фанининг энг муҳим вазифаси табиат ва жамият қонуниятларини тадқиқ этишни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан, унинг коммунизм моддий-техника базасини яратишнинг актуал проблемаларини ҳал этишга қўшаётган ҳиссасини оширишдан, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан, халқ фаровонлиги ва маданиятини юксалтиришдан, меҳнаткашларнинг коммунистик дунёқарашини шакллантиришдан иборатлиги кўрсатиб ўтилган.

Маълумки, ўнинчи беш йиллик мамлакатимиз барча меҳнаткашлари қатори Ўзбекистон олимлари учун ҳам самарадорлик ва сифат беш йиллиги бўлиб ҳисобланади. Республика олимларидан фундаментал тадқиқотлар олиб бориб, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, халқ фаровонлиги ва турмушини янада яхшилашга имкон берувчи табиий ресурслардан омилкорлик билан фойдаланиш талаб этилади. Янги беш йилликда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси олимлари олдида вилтга ва бошқа қишлоқ хўжалик зараркунандаларига чидамли, йиғим-терим чоғида дефолиация талаб қилмайдиган, толаси юқори технологик сифатга эга бўлган янги ғўза навлари яратишдек муҳим вазифалар турибди. Республикамиз геологлари ер қобиғини тадқиқ қилишни давом эттиришлари, биохимиклар эса оксил ва нуклеин кислоталарнинг тузилиши ва қонуниятлари принципларини аниқлашлари керак. Ўнинчи беш йилликда ижтимоий фанлар бўйича Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон олимларининг ҳамкорликда олиб борадиган бир қатор тадқиқотларини ниҳоясига етказиш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон олимларининг халқаро алоқалари янада кенг ривож топади. Монголия олимлари билан физика, химия, математика бўйича, поляк ҳамкасаблар билан космик нурлар бўйича, Германия Демократик Республикаси мутахассислари билан биофизика ва биохимия бўйича биргаликда тадқиқотлар олиб бориш мўлжалланмоқда.

Илмий ташкилотлар фаолиятидаги ҳар бир янгилик, ҳар бир ташаббус партия ва совет ташкилотларининг ҳамиша диққат-эътиборида туриши лозим. Бундан буён ҳам илмий муассасалар ишига партиявий раҳбарлик методларини такомиллаштириш, илмий даргоҳ фаолиятига чуқурроқ кириб бориш, илмий ташкилотлардаги коммунистларнинг ташаббускорлиги ва масъулиятини янада ошириш керак. Бироқ, баъзи илмий-тадқиқот муассасаларининг фаолияти муҳим фан-техника проблемаларини айниқса, халқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш суръатини кучайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишга тўла равишда қаратилган эмас.

Ўзбекистон Компартиясининг XIX съездида кўрсатиб ўтилганидек, баъзи корхоналар, конструкторлик бюролари, тармоқ институтлари замонавий ускуналар, буюмлар ва материалларнинг янги намуналарини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда суст ҳаракат қилмоқдалар. Чунончи, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик экономикаси илмий-тадқиқот институти давлатдан катта-катта маблағ олаётган бўлса ҳам, аммо унинг бераётган самараси ҳозирча оз. Бунинг сабаби шуки, бу институтда мустақил структуравий бўлинмаларни кўпайтиришга берилиб кетмоқдалар, илмий кучлар ва маблағларни сочиб юбормоқдалар, ишда параллелизмга ва бир неча кишининг айни бир ишни бажаришига йўл қўймоқдалар.

Баъзи ишлар амалиётда етарли синаб кўрилмай, тўғридан-тўғри ишлаб чиқаришга жорий этишга таклиф этилмоқда. Айрим олий ўқув юртлари проблема лабораториялари фаолиятида ҳам ана шундай аҳволни кўриш мумкин. Корхоналар билан тузилган шартномалар асосида илмий-тадқиқотлар олиб боришга алоҳида эътибор бериш керак. «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари»да шундай дейилади: «Фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқа формаларини янада такомиллаштириш таъминлансин. Илмий муваффақиятларни халқ хўжалигига жорий этиш тезлаштирилсин».

Фан ва техника тараққиёти — коммунизм моддий-техника базасини яратишнинг бош омилидир. Дарҳақиқат, фаннинг кучи ҳаёт билан, амалиёт билан чамбарчас боғланган. Фан ютуқларини эл-юрт манфаатлари йўлида янада самаралироқ ва кўпроқ хизмат қилдириш — ҳар бир илмий ходимнинг муқаддас бурчидир. КПСС XXV съездида таъкидлаб ўтилганидек, янги илмий ғояларни амалиётга татбиқ этиш жуда муҳим вазифадир.

ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ— ПАРТИЯГА, ВАТАНГА!

ВАТАННИНГ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний 22 март куни Кремлда бир группа мукофотланганларга орденлар топширди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — СССР мелиорация ва сув хўжалиги министри Е. Е. Алексеевский, СССР савдо министри А. И. Струев, кинорежиссёр Р. Л. Кармен Ленин ордени ҳамда «Ўроқ ва Болға» олтин медалларини олдилар.

Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министри Е. С. Новоселовга, СССР юстиция министри В. И. Теребиловга, ёзувчи А. Л. Бертога, СССР халқ рассоми Е. А. Кибрикка Ленин ордени топширилди.

Октябрь Революцияси орденларини СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов ва К. И. Скрябин номидаги Москва ветеринария академияси кафедрасининг мудири, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси И. Е. Мозгов олдилар.

Бир группа ўртоқларга Меҳнат Қизил Байроқ ва Халқлар дўстлиги орденлари топширилди.

Армия генерали С. П. Васягинга маршаллик нишони — «Маршал юлдузи» ва СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиғи топширилди.

Н. В. Подгорний мукофотланган ўртоқларни юксак давлат мукофотлари билан самимий табриклади, совет халқининг фаровонлиги йўлидаги меҳнатда ва ижодий фаолиятда уларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

(ТАСС).

БОЛГАРИЯ ЭЛЧИХОНАСИДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Болгария Коммунистик партиясининг бўлажак XI съезди муносабати билан 22 март куни Болгария элчихонасида матбуот конференцияси ўтказилди. БХРнинг СССРдаги элчиси Д. Жулев журналистлар ҳузурида гапириб, болгар коммунистлари, мамлакатнинг барча меҳнаткашлари съездни зўр сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати вазиятида кутиб олаётганликларини таъкидлади.

БКПнинг X ва XI съездлари ўртасидаги даврда Болгариянинг ички ва ташқи сиёсат соҳасида эришган муваффақиятлари, аввало, абадий ва бузилмас Болгар — Совет дўстлигининг, БКП Марказий Комитети изчил марксча-ленинча сиёсатининг, ишчилар синфи ва бутун болгар халқининг меҳнатдаги қаҳрамонлиги натижасидир, деб таъкидлади элчи. Совет Иттифоқи халқларнинг тинчлик, озодлик, мустақиллик ва социал тараққиёт йўлидаги муттасил курашига жуда катта ҳисса қўшиб келаётганлиги учун бутун дунё унга чуқур миннатдорчилик изҳор этади, деди элчи. (ТАСС).

ЧИГИТ ЭКИШ БОШЛАНДИ

ТЕРМИЗ, (ЎзТАГ). Сурхондарё области пахта далаларида чигитни танлаб экишга киришилди. Жарқўрғон районидаги Нурали Боймуротов номли колхозда дастлабки ерларга уруғ қадалди. Сурхон водийсининг жанубидаги бошқа районларида бўлгани сингари бу ерда ҳам қимматли ингичка толали пахта чигити экилмоқда. Бу йил областда ингичка толали пахта майдони кенгайтирилиб, бутун пахта майдонининг қирқ процентдан зиёдроғини ташкил этади. Сурхондарёлик пахтакорлар бу йил республикада олиниши мўлжалланаётган бутун ингичка толали пахтанинг ярмидан кўпроғини етиштирадилар.

Жарқўрғон, Термиз, Шеробод районларидаги бошқа хўжаликларда ҳам яқин кунлар ичида экиш агрегатлари далаларда ишга туширилади. Бу ерда тайёргарлик ишларида пахта далаларини чигит экиш олдидан суғоришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ерни сифатли қилиб кондириб суғориш чигит суви бермаган ҳолда уруғни барвақтроқ ундириб олиш имкониятини беради.

СОВХОЗДА СЕМИНАР

ЖИЗЗАХ. (ЎзТАГ). «Пахтакор» совхозида чигит экиш ва ғўза парваришининг янги агротехникаси юзасидан область семинари бўлди. Семинар ишида қишлоқ хўжалик мутахассислари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, бригадирлар, механизаторлар иштирок этдилар.

СОЮЗНИХИ директори С. Х. Йўлдошев чигит экишда илғор агротехника усулларини жорий этиш соҳасида олимларнинг тавсиялари тўғрисида, Мирзачўл ва Жиззах дашти шароитида ўсимликларни жойлаштиришнинг рационал схемалари ҳақида гапириб берди. Кичанов номли совхознинг пахтачилик бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Валиев чигитни қўш қаторлаб экиш соҳасидаги тажрибаси билан ўртоқлашди.

Семинар қатнашчиларига чигитни қўш қаторлаб ва зич қилиб экадиган янги сеялкаларнинг қандай ишлаши кўрсатилди. (ЎзТАГ).

СЎЗ—КПСС XXV СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИГА

МУСОБАҚА— ЮТУҚЛАР КАЛИТИ

Социалистик мусобақа — ютуқлар калити эканлигига биз яхши тушунамиз. Мусобақа кишини доимо изланишга, ишга ижодий ёндашишга, резервларни излаб топиб, уни жорий этишга ундайди. «Мусобақа хўжалик ишларига, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига, маънавий вазиятга чуқур таъсир ўтказмоқда, — деди Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида қилган ҳисобот докладида. — Бундан буён ҳам социалистик мусобақани ҳар томонлама ривожлантириш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатини ривожлантириш бизнинг муштарак жанговар шиоримиздир».

Ҳаёт доимо ҳаракатда. Меҳнатнинг кечаги усулини бугун янгилаш, такомиллаштириш керак. Ҳозир соғувчилар зиммасида фақатгина сигир соғиш вазифаси эмас, балки зоотехника қоидаларини чуқур билиш ва чорвадорларга ишониб топширилаётган мураккаб механизмлардан оқилона фойдалана билиш вазифаси ҳам турибди. Мен доимо ҳаёт талабларидан олдинда юришга ҳаракат қиламан. Шу сабабли мамлакатимиздаги илғор, тажрибали соғувчиларнинг муваффақиятларидан хабардор бўлиб тураман, уларнинг иш тажрибаларини қўллайман. Илғор ҳамкасбларим билан ўзаро тажриба алмашиб туришга ҳаракат қиламан. Ана шу мақсадда мен Эстония ССРдаги «Вильянди» совхозининг донгдор-соғувчиси Лейда Августовна Пейпс билан мусобақалашишга аҳд қилдим.

Мен Лейда Августовнага хат ёзиб, мусобақалашиб ишлашга чақирганимда, ўз иш кўрсаткичларимни, фермамиз аҳволи ва фаолиятини, сут етиштириш методларимизни унга маълум қилдим. Чунончи, тўққизинчи беш йилликда юксак кўрсаткичларга эришдик. Беш йилликнинг биринчи йилида ўзимга бириктирилган 40 бош сигирнинг ҳар биридан 4 минг килограммдан сут соғиб олдим. Беш йилликнинг иккинчи йилида сигирларни 60 тага етказиб, ҳар биридан 4250 килограммдан сут соғиб олдим. 1973 йилда боқимимдаги сигирлар 70 тага етди. Ҳар биридан 4320 килограммдан сут соғиб олдим. 1974 йилда эса 90 бош сигирнинг ҳар биридан 4410 килограммдан сут соғиб олишга эришдим. Тўққизинчи беш йиллик топшириғини тўрт йилда бажариб, белгиланганидан 114 минг килограмм зиёд сут топширдим. Ўтган йили эса менга 80 бош сигир бириктилган эди. Социалистик мажбуриятимни шараф билан бажардим. Беш йилликда ҳар бош соғин сигирнинг ўртача маҳсулдорлиги 4100 килограммдан ортиқ бўлди. Сигирлардан бузоқ олиш, наслга сақлаб қолиш ишлари кўнгилдагидек адо этилди.

Бу йил боқимимдаги сигирларнинг ҳар биридан 4500 килограммдан сут соғиб олиш, шундан кейинги йилларда бу рақамни 5000-5300 килограммга етказишни мўлжаллаяпман. Буни мусобақадошим Лейда Пейпсга маълум қилганимда, у ферма бўйича қўлга киритилаётган кўрсаткичлар, озуқа базасини мустаҳкамлаш борасида кўрилаётган тадбирлар билан ҳам қизиқди.

Маълумки, хўжалигимиз КПСС XXV съездига улкан ғалабалар билан келди. Гўшт, сут, тухум тайёрлаш бўйича беш йиллик топшириқлари муддатидан бир йил илгари бажарилди. Сут-товар фермамиз бўйича ҳар бош соғин сигирдан 3295 килограммдан сут соғиб олинди. Бу — мажбуриятда белгиланганидан 95 килограмм кўп демакдир. Ўтган беш йилликнинг тўрт йилидаёқ пландагидан ташқари 800 тонна сут етиштирилди. Ҳар бир центнер сутнинг таннархи камайтирилди. Фермамиз колхозга қарийб 400 минг сўм даромад келтирди.

Фермамиз коллективи ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилида давлатга 810 тонна сут сотиш, ҳар бош сигирдан ўртача 3500 килограммдан сут соғишдек юксак мажбуриятлар олиб, меҳнат қилишяпти. Биз белгиланган юксак марраларга аввало чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш, озуқадан унумли фойдаланиш, зоотехника қоидаларига қаттиқ риоя қилиш ҳисобига эришамиз. Колхозимизда дағал хашакни қайта ишлайдиган омухта ем тайёрлаш цехи ишга туширилган. Шунга қадар моллар озуқанинг ярмини истеъмол қилар, қолгани нушхурдга чиқарар эди. Эндиликда озуқанинг 95-96 процентини емоқда. Демак, ҳар тонна озуқа ҳисобидан 10 сўм маблағ тежаляпти.

Яқинда хлорелла тайёрлаш цехи ишга туширилди. Бу цех бир кеча-кундузда 10 тонна ёки қўшимча 300 озуқа бирлиги ишлаб чиқара олиш қувватига эга.

Бу йил чорва моллари озуқа базасини янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор муҳим тадбирлар амалга оширилади. Қарийб 150 гектар ерга маккажўхори билан лавлаги қўшиб экилмоқда. Бундан ташқари, 30 гектар ерда озуқабоп лавлаги, судан ўти етиштирилади. 234 гектар бедазоримиз бор. Ҳар бир бош сигирга 1.2 гектар бедазор тўғри келиб, бедазорларнинг ҳар гектаридан 13.8-14 тоннадан озуқа бирлиги олиниши мўлжалланмоқда. Озуқа экинларининг ҳар бир гектари ҳисобига 24 тонна сут етиштиришга эришамиз. Мен мусобақадошим Лейда Пейпсга хат ёзиб, ана шулар ҳақида ҳам хабар қилдим. У ҳам ўзининг янги режалари, тажрибалари ҳақида ёзиб юборди. Шу йилнинг ёзи арафасида фермамизга ташриф буюриш истагида эканлигини билдирди.

Колхозимиз чорвадорлари самарадорлик ва сифат беш йиллигида ҳам улкан муваффақиятларга эришадилар. Социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб, зиммаларига олган юксак мажбуриятларини ортиғи билан бажарадилар.

Муҳтарама ҒАФФОРОВА,
Бухоро область Ғиждувон районидаги «Коммунизм» колхозининг сут соғувчиси, СССР Олий Совети депутати, КПСС XXV съезди делегати.

ИРҚЧИЛИК ВА КАМСИТИШГА ҚАРШИ

22 март куни Москва жамоатчилиги вакилларининг ирқий камситишни тугатиш учун халқаро кураш кунига бағишланган йиғилиши бўлди. Сўзга чиққан нотиқлар Жанубий Африка Республикаси билан Родезия маъмурлари ўтказаётган жиноятқорона ирқий камситиш ва апартеид сиёсатини, шунингдек Исроил ўзи босиб олган ерларда яшовчи араб аҳолисини камситаётганлигини қаттиқ қораладилар. Ирқчиликка ва ирқий камситишга қарши кураш юзасидан БМТ Бош Ассамблеяси қабул қилган ўн йиллик ҳаракат программасининг, апартеид жиноятларининг пайини қирқиш ва бундай жиноятлар учун жазолаш тўғрисидаги халқаро конвенциянинг, БМТ қабул этган бошқа муҳим қарорларнинг катта аҳамияти таъкидлаб ўтилди.

Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти Бош секретарининг ўринбосари О. П. Паливал (Ҳиндистон) ўз нутқида миллий-озодлик ҳаракатига доимо мадад бериб келаётган совет халқига миннатдорчилик изҳор этди ҳамда тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун бундан буёнги курашнинг КПСС XXV съезди илгари сурган программасини юксак баҳолади.

Йиғилиш қатнашчилари халқларнинг ирқчиликка ва ирқий камситишга қарши кураши билан бирдамлик резолюциясини якдиллик билан қабул қилдилар.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия ва совет органларида кўп йил ва самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан меҳнаткашлар депутатлари Хоразм область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Константин Трофимович Курдинни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

СЎНГГИ СОАТДА

ЮРИСТЛАР КЕНГАШИ

22-23 март кунлари Москвада юстиция ва суд органлари, муассасалари раҳбар ходимларининг кенгаши бўлди.

Кенгаш қатнашчилари СССР юстиция министри В. И. Теребиловнинг ва СССР олий суди раисининг ўринбосари С. Г. Банниковнинг юридик органлар ва судларнинг КПСС XXV съезди қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларига бағишланган докладларини тинглаб, муҳокама қилдилар. Кенгашда қонунчиликни янада мустаҳкамлаш ва ҳуқуқ-тартибот бузилишининг олдини олиш, аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатишни яхшилаш, совет кишиларини қонунларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, буржуа ҳуқуқий идеологиясини фош этиш билан боғлиқ масалаларга катта эътибор берилди.

Кенгаш ишида СССР Бош прокурори Р. А. Руденко, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети, ВЦСПСнинг масъул ходимлари, иттифоқдош республикалар юстиция министрлари ва олий судларининг раислари, ҳарбий округлар, флотлар, қўшин группалари ҳарбий трибуналларининг раислари иштирок этдилар.

(ТАСС).

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

23 март куни Москвада, Союзлар уйининг Октябрь залида совет хотин-қизлари комитетининг пленуми очилди. Бу ерга пойтахт, иттифоқдош республикалар, ўлка ва областларнинг 500 дан кўпроқ вакиллари тўпланишди. Улар КПСС XXV съезди қарорлари асосида комитетнинг вазифаларини икки кун давомида муҳокама қиладилар.

Докладчи — совет хотин-қизлари комитетининг раиси В. В. Николаева-Терешкова ва музокараларда сўзга чиққан нотиқлар совет хотин-қизлари съезд қарорларини тўла-тўкис маъқуллаб, уларни оғишмай амал қилиш ва ижро этиш учун қабул қилганликларини таъкидладилар. Улар ўзларининг бутун куч ва билимларини партиянинг улуғвор режаларини амалга оширишга, Ватанимиз қудратини мустаҳкамлашга, ер юзида мустаҳкам тинчлик ўрнатишга бағишлашни ватанпарварлик бурчлари деб биладилар.

Пленум ўз ишини давом эттирмоқда.

(ТАСС)

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ВИЗИТИ

ТУНИС, 23 март. (ТАСС). Тунис президенти Ҳ. Бурғиба СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Латвия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Я. Страутманис бошчилигидаги Совет ҳукумат делегациясини қабул қилди.

Тунис республикаси мустақил деб эълон қилинганлигининг 20 йиллигини байрам қилишда иштирок этаётган Совет ҳукумат делегациясини Тунис бош министри Ҳ. Нуира ва ташқи ишлар министри Ҳ. Шатти ҳам қабул қилдилар.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ АКТИВИ ЙИҒИЛИШЛАРИДА

СИЁСИЙ АКТИВЛИК, ИШЧАНЛИК ВАЗИЯТИДА

ТОШКЕНТ

Тошкент области меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилини яхши бошладилар. Саноат корхоналарининг коллективлари маҳсулот реализация қилиш бўйича икки ойлик планни муддатидан илгари бажариб, планга қўшимча 28 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Қишлоқ меҳнаткашлари ғўшт, сут ва тухум тайёрлаш ва давлатга сотиш икки ойлик планини муваффақиятли уддаладилар, бақор мавсуми пухта тайёргарлик билан кутиб олинди.

Ҳозир барча меҳнат коллективлари КПСС XXV съезди руҳи билан яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Янги беш йилликда совет жамиятини ривожлантиришнинг улуғвор программасини белгилаб берган партия XXV съезди қарорларини амалга ошириш Ўзбекистон пойтахт области коммунистлари ва барча меҳнаткашларининг жонажон иши бўлиб қолди. Бу ерда бўлиб ўтган Тошкент область партия ташкилоти активининг йиғилиши ана шу муҳим вазифага бағишланди.

Партия активи йиғилишида область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов «КПСС XXV съездининг якунлари ва Тошкент область партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Актив йиғилиши қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг кўп қиррали ташкилотчилик ва сиёсий фаолиятини яқдиллик билан маъқулладилар. Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар партия Марказий Комитетини, Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети номидан қилган Ҳисобот доклади, мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, съезднинг бошқа материаллари илмий коммунизм назарияси ва практикасини бойитганлигини, советлар мамлакати экономикаси ва маданиятини бундан буён ҳам ривожлантириш йўлларини белгилаб берганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Йиғилиш ўзининг бутун эътиборини съезд қарорларини, область халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1976—1980 йилларга мўлжалланган планини изчил амалга ошириш вазифасига қаратди. Меҳнат унумдорлигини тез суръатлар билан ўстириш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун, съезд йилдаги халқ хўжалиги планларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани қизғин олиб бориш партия ташкилотларининг доимий диққат-эътиборига олиниши зарурлиги уқтириб ўтилди.

Янги беш йилликда область меҳнаткашлари олдида масъулиятли вазифалар турибди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 40 процент ортиши лозим. Бу асосан меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан амалга оширилади. Кўпгина корхоналар, жумладан область саноатининг байроқдорлари — Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, Чирчиқ «Электрохимпром» бирлашмаси, Ўзбекистон металлургия заводи, Тошкент трактор заводи реконструкция қилинади ва модернизациялаштирилади.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан Ленин район партия комитетининг биринчи секретари Н. Н. Федорінов, Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. М. Муҳамедов, «Ташсельмаш» заводининг директори И. Х. Мусин ва бошқа нотиқлар ана шу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ишлаб чиқаришга фан ютуқлари ва илғор тажрибани дадиллик билан жорий этиш, ишлаб чиқариш фондлари ва ички резервлардан унумли фойдаланиш, маҳсулот сифатини яхшилашни таъминлаш, план ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидладилар.

— Партиямиз режалари халқимиз режаларидир. Биз уни тўла-тўкис амалга оширамиз, — деди «Чирчиксельмаш» заводининг пайвандчиси, КПСС XXV съезди делегати З. Е. Карпенко.

— Шахсан менинг ўзим ўнинчи беш йилликни тўрт йилда бажариш мажбуриятини олдим.

Тошкент область партия ташкилоти КПСС аграр сиёсатини амалга ошириш учун курашда бой тажриба тўпланган. Янги беш йилликда пахтачиликни ривожлантиришга ва уни комплекс механизациялашга янада катта эътибор берилади. 1976 йилда область Ватанга 450 минг тонна пахта етказиб беради. Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш негизида сабзаватчилик, боғдорчилик, полизчилик ва узумчилик янада ривож топади.

— Биз пахтанинг ялпи ҳосилини ва ҳосилдорликни йил сайин кўпайтириб боришни ўзимизнинг асосий вазифамиз деб биламиз, — деди сўзга чиққан Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз бригада бошлиғи, КПСС XXV съезди делегати В. Тўхтабоев, — бригадамиз аъзолари шунга амал қилиб, бу йил ҳосилдорликни гектар бошига 55 центнерга етказишга қарор қилдилар.

Партия активи йиғилиши хўжалик ва маданий қурилишга партиявий раҳбарликни янада яхшилаш, кишиларни ғоявий тарбиялаш ишини янада юқори погонага кўтариш вазифаларига алоҳида эътибор берди. Йиғилишда КПСС XXV съезди материалларини кенг пропаганда қилиш бошланғич партия ташкилотлари фаолиятидан муҳим ўрин эгаллаши зарурлиги таъкидланди. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун, съезд йилдаги халқ хўжалиги планларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани қизғин олиб бориш партия ташкилотларининг доимий диққат-эътиборида туриши лозим.

Қабул қилинган резолюцияда область коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг сиёсий йўли ва амалий фаолиятини яқдиллик билан маъқуллаётганликлари таъкидлаб ўтилди.

Йиғилиш аҳли КПСС Марказий Комитетига, партия Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

Партия активи йиғилиши ишида КПСС Марказий Комитетининг инструктори М. Л. Ишков иштирок этди.

М. ПРУГЕР.

ЖИЗЗАХ

Ўзбекистонда энг ёш область бўлган Жиззах областининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXV съездига қилган Ҳисобот докладини қизғин маъқулламоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар. Съезд қабул қилган янги беш йилликда мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларида «Жиззах даштини ўзлаштириш ишлари кучайтирилсин» деб ёзилганлиги уларни ғоят илҳомлантириб юборди. Область меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликни катта муваффақиятлар билан бошладилар. Ўтган икки ой ичида қувончли ютуқлар қўлга киритилди. Область саноати ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш икки ойлик планини муддатидан илгари оширib бажарди. Пландан ташқари 1,2 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Чорвадорлар съезд қарорларидан руҳланиб ғўшт ва тухум етиштириш бўйича биринчи квартал планларини бажардилар.

Жиззах область партия ташкилотининг актив йиғилишида эришилган ана шу муваффақиятлар қувонч билан қайд қилинди. Йиғилиш съезд якунларини муҳокама қилишга бағишланди. Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси йиғилишининг фахрий президиумига сайланди. Партия активи йиғилишида Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари С. М Тоиров «КПСС XXV съездининг якунлари ва область партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар ўнинчи беш йилликда қўриқ область меҳнаткашлари олдида турган ғоят катта вазифалар ҳақида алоҳида тўхталдилар. Қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши бутун областни равнақ топтиришнинг улкан истиқболларини очиб беради. Бу ерда ўнинчи беш йилликда 78 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилади, Ватанга 1,5 миллион тонна «оқ олтин» етказиб берилади. Бу тўқизинчи беш йиллик халқ хўжалиги планида белгиланганидан 55 процент кўпдир. Шу йилнинг ўзида қўриқ ерларда 300 минг тонна «оқ олтин» етиштирилади. Пахтачиликни комплекс механизациялаш, кам ҳарж қилиб, мўл ва арзон пахта ҳосили етиштириш область коммунистлари ва барча меҳнаткашларининг диққат-эътиборида бўлади. Қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш асосида дон, мева, полиз, сабзавот ва бошқа хил маҳсулотлар етиштириш кескин кўпаяди. Съезд йилида область галлакорлари мамлакатга 284 минг тонна дон етказиб берадилар.

Ўнинчи беш йилликда қўриқ воҳа бағрида янги йўллар, дарёлар, газ магистраллари, шаҳарга ўхшаш барча қулайликларга эга бўлган посёлкалар, янги саноат корхоналари барпо қилинади.

Область саноатчилари съезд йилида ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олганлар. Областда йил охиригача планга қўшимча 12,6 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади, 120 та ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектлар фойдаланишга топширилади, 325 минг квадрат-метр уй-жой бинолари қуриб ишга туширилади.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан Дўстлик район партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Исроилов Пахтакор районидаги Кичанов номли совхоз бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXV съезди делегати А. Валиев, Тошкентдаги «Малика» трикотаж фирмасининг Жиззахдаги филиали тикувчиси Д. Худойбердиева, Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 27-қурилиш трести бошқарувчиси Э. Абляев, Жиззах политехника техникумининг директори К. Ким, Жиззах районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз раиси И. Исоқов ва бошқа нотиқлар Жиззах коммунистлари, областнинг барча меҳнаткашлари олдида турган ўнинчи беш йиллик вазифаларини муваффақиятли бажариш. КПСС XXV съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошириш юзасидан ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Съезд материалларини кенг пропаганда қилиш ва чуқур ўрганиш область партия ташкилотларининг фаолиятида муҳим йўналиш бўлиб қолганлиги таъкидлаб ўтилди. Барча партия ташкилотлари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун мусобақани кенг авж олдиришлари лозим. Съезд қарорларига амал қилиб, капитал маблағларнинг самарадорлигини оширишга, ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ишга туширишга ва ўзлаштиришга эришиш зарур. Барча меҳнат коллективлари меҳнат унумдорлигини ошириш, барча янги ва илғор нарсаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун ички резервларни топишлари, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун актив кураш олиб боришлари керак.

Партия активи йиғилишида сўзга чиққан кўпгина коммунистлар шунингдек ўз зиммаларига оширилган янги мажбуриятлар қабул қилганликларини йиғилиш қатнашчиларига билдирдилар. Жумладан Пахтакор районидаги Кичанов номли совхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Валиев бошлиқ комплекс механизациялашган бригадаси аъзоларининг бригадаларни йириклаштириш, ширч кучлари ва техника воситаларини камайтирган ҳолда, кам меҳнат ва ҳаражат билан пахтанинг ялпи ҳосилини ва ҳосилдорликни ошириш юзасидан бошлаган ташаббусини область партия комитети маъқуллади.

Йиғилишда КПСС XXV съезди қарорлари тўла-тўкис маъқулланган резолюция қабул қилинди.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, Марказий Комитет Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Р. Қурбонов нутқ сўзлади.

Н. МИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ХОРАЗМ

Хоразм области меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларидан руҳланиб, ўнинчи беш йилликка қадам қўйдилар. Улар партиямиз режаларини амалга оширишга қатъий бел боғлаганликларини шу кунлардаги амалий ишлари билан намойиш этмоқдалар. Саноат ходимлари съезд очилган кунгача икки ойлик планни ортиғи билан бажариб, планга қўшимча равишда 2,8 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Илғор саноат ва транспорт корхоналарининг коллективлари меҳнат зафарлари тўғрисида съездга рапорт йўлладилар. Урганчда яқинда ишга туширилган пиллакашлик фабрикаси съезд кунларида дастлабки маҳсулотни ишлаб чиқара бошлади.

Қишлоқ хўжалик ходимларининг қўлга киритаётган ютуқлари айниқса қувончлидир. Область гўшт тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарди. Илғор районлар ва хўжаликлар давлатга сут, гўшт, тухум ва бошқа маҳсулотлар сотиш биринчи квартал планларини муддатидан илгари адо этишди. Кўкламги дала ишлари авж олдирилмоқда.

Хоразм область партия ташкилоти активининг йиғилишида съезд қарорларини амалга ошириш йўлида қилинаётган ишлар ва область меҳнаткашлари олдида турган катта вазифалар кенг муҳокама қилинди. «КПСС XXV съездининг якунлари ва область партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисида Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. Ҳудойбердиев доклад қилди.

Область коммунистлари ва барча меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев докладида баён қилинган қоидалар ва хулосаларни тўла-тўкис маъқуллаб, оғишмай амал қилиш ва икки этиш учун қабул қилдилар.

Докладчи тўққизинчи беш йилликнинг якунларига ва ўтган ойларда амалга оширилган ишларга батафсил тўхталиб, эришилган муваффақиятларни қайд қилиш билан бирга асосий эътиборни етилган ва ҳал этилиши зарур бўлган вазифаларга қаратди.

Область саноатида меҳнат унумдорлиги даражаси ҳамон паст. Айниқса, пахта тозалаш корхоналарида рентабелликни ошириш суст бораётир. Капитал қурилишда жадал суръат ва юқори сифат таъминланмаётир. Ўрганчда ёғ-экстракция заводи, Хивада гиламчилик комбинати ва бошқа корхоналарнинг қурилиш муддатлари чўзилиб кетмоқда. Туямўйин гидроузели қурилишини тезлатиш учун мавжуд резервлар тўла ишга солинмаётир.

Қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни ва бошқа тармоқларни янада ривожлантириш учун катта ҳажмда ирригация ва мелиорация тадбирларини амалга ошириш зарур. Комплекс механизацияни ва пахта-беда алмашлаб экишни бундан буён пайсалга солиб бўлмайди. Областда мева ва сабзавот етиштириш қониқарсиз аҳволда. Жамоат чорвачилиги ҳали ҳам оқсаяпти. Қишлоқларда хуторларни тугатиш ва обод, барча қулайликларга эга бўлган посёлкаларни барпо қилиш, турмуш маданиятини юксалтириш вазифаси секин ҳал этилмоқда. Кўкламги экишни уюшқоқлик билан ўтказиш учун тайёргарлик ишлари кечикяпти. Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан нотиқлар ана шу масалалар тўғрисида батафсил гапириб, конкрет таклиф ва мулоҳазаларни ўртага қўйдилар. Шунингдек, партиявий-ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларни такомиллаштириш, хўжаликка партиявий раҳбарликнинг усул ва услубларини яхшилаш, социалистик мусобақа принципларига қатъий амал қилиш масалалари ҳам диққат марказида турди. Бу соҳада партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятларини янада кучайтириш, съезд олға сурган талаблар даражасига кўтариш муҳим вазифа эканлиги алоҳида таъкидланди.

Доклад юзасидан музокарада сўзга чиққан Урганч шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Э. Раҳмонов, Гурлан район партия комитетининг биринчи секретари Ғ. Машарипов, Туямўйин гидроузели қурилиш бошқармаси экскаваторчилар бригадасининг бошлиғи, КПСС XXV съезди делегати И. Оллаёров, Хива район партия комитетининг биринчи секретари М. Маткаримов ва бошқа ўртоқлар партия режаларини рўёбга чиқариш учун амалга ошираётган ишлар, коммунистик қурилишнинг янги босқичи — ўнинчи беш йиллик вазифаларини бажаришда партия ташкилотларини фаолиятини янада кучайтириш, КПСС XXV съезди муносабати билан омманинг беҳад ошган сиёсий активлиги ва кучғайратини партия режаларини амалга оширишга сафарбар қилиш тўғрисида гапирдилар.

Область меҳнаткашларининг съезд йилидаги режалари юксак. Саноат ва транспорт ходимлари, илғор қурилиш ташкилотларининг бинокорлари беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш юзасидан мажбуриятлар қабул қилдилар. Қишлоқ хўжалик ходимлари бу йил оширилган мажбурият олдилар. Пахтакорларнинг съезд йилидаги аҳдпаймони — эл хазинасига 425 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришдан иборат. Область деҳқонлари янги беш йилликда 2 миллион 115 минг тонна пахта етиштиришни мўлжаллаб турибдилар. Ғалла етиштириш беш йиллик охирига келиб 235 минг тоннага етади. Шунингдек, соҳибкорлар, полизчилар ва шоликорлар ҳам юксак мажбурият олиб ваъдага вафо қилиш йўлида астойдил кураш олиб бормоқдалар.

Партия активи йиғилишини қатнашчилари областдаги барча коммунистларнинг ва меҳнаткашларнинг фикрини ифода қилиб, партиямизнинг тарихий XXV съезди белгилаб берган улуғвор программани амалга оширишга қатъий бел боғлаганликларини изҳор қилдилар.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

Актив йиғилиши ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат Э. Б. Нордман қатнашди.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

1975 йил халқ хўжалик планларини ва тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этиш учун ўтказилган республика социалистик мусобақаси якунларига кўра, Тошкентдаги «Чевар» тикувчилик фабрикаси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди. Бу мукофот корхона коллективини янада руҳлантириб юборди. Чеварлар шу кунларда КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш учун социалистик мусобақани қизитиб юбордилар. Суратда: коммунистик меҳнат зарбдори Муҳаббат Жалилова.

Р. Шамсуддинов фотоси. (ЎзТАГ).

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ОММАГА

ПАРТИЯГА БАҒИШЛАНАДИ

Партиямизнинг тарихий XXV съезди барча совет кишилари қатори пойтахтимиз меҳнаткашларини ҳам янгидан-янги зафарларга чорламоқда. Съезд қарорлари омма ўртасида кенг ўрганилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Съезд қарорлари юзасидан махсус лекторийлар ишлаб турибди.

Куни кеча Октябрь районининг «Илғор» маҳалласида «КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этишда совет халқининг вазифалари» мавзуида ўтказилган маҳалла активи йиғилиши партиямизнинг XXV съезди натижаларига бағишланди. Йиғилишда Тошкент политехника институтининг ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, химия фанлари доктори К. Аҳмедов, Октябрь район партия комитетининг секретари С. Усмонова ва бошқалар сўзга чиқиб, партиямизнинг бекиёс ғамхўрлиги натижасида совет халқи турмуш фаровонлигининг янада ошганлиги, партия олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

Н. АЛИМОВ.

АСУП КУН ТАРТИБИДА

22 март куни Тошкентда очилган кенгаш Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар саноат корхоналарини автоматлашган бошқариш системаси (АСУП)-ни яратишга бағишланди. Бу учрашувда Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Социалистик Республикаси, Чехословакия Социалистик Республикаси, Совет Иттифоқининг мутахассислари қатнашмоқдалар.

Биринчи кун Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар мутахассисларининг бундан олдинги учрашувида қабул қилинган қарорларнинг бажарилиш якунлари кўриб чиқилди. Программада АСУП тугалланган техника лойиҳалари ва иш лойиҳаларини, янги техника асосида кичик системаларни техникавий лойиҳалашни муҳокама қилиш ва тасдиқлаш, келгуси режаларни кўриб чиқиш назарда тутилган.

Меҳмонлар Ўзбекистонда автоматлашган системаларни тузиш ва жорий этиш ишларининг баъзи натижалари билан танишмоқдалар.

Кенгаш 26 мартгача давом қилади.

(ЎзТАГ).

ЁШЛАРНИ ҚОРАТУПРОҚ БЎЛМАГАН ЗОНА ЧОРЛАМОҚДА

Республикадаги барча областларнинг вакиллари — 150 ёш қурувчи Россия Федерациясининг қоратупроқли бўлмаган зонасидаги ерларни ўзлаштиришга жўнаб кетаётган «Ўзбекистон комсомоли» зарбдор отрядининг аъзолари бўлишди.

Тошкент вокзалида уларни ота-оналари, қариндош-уруғлари, дўстлари, комсомол органларининг вакиллари кузатиб қолишди.

Сирдарё областидан скреперчи комсомол ёшлар бригадасининг бошлиғи А. Проценко бошқалар каби коратупроқли бўлмаган зонадаги ерларни ўзлаштириш ҳоҳишини билдирди. Бу коллектив социалистик мусобақада бир неча марта пешқадамлик қилиб, Бутуниттифоқ конкурсларида иштирок этган. (ЎзТАГ).

ТЕЖАМКОРЛИК — МУҲИМ ИШ

Резервлар — хизматимизда

Республикамиз саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари коллективлари моддий ва молиявий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишда кўпгина ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бу, ўтган тўққизинчи беш йиллик натижаларида яққол кўринмоқда. Масалан, В. И. Ленин номли Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли Олмалиқ кон-металлургия комбинати коллективи тўққизинчи беш йиллик давомида тежамкорлик учун муттасил курашиб, йилдан-йилга содали маҳсулотларни сарфлаш нормаларини камайтириб борди.

Тошкент трактор заводи ишчи ва хизматчилари тежамкорликка катта аҳамият бермоқдалар. Мазкур корхонада ўтган йили тежамкорликка қаратилган қатор ташкилий-техникавий тадбирлар муваффақиятли амалга оширилди. Натижада 1371 тонна металл прокати иқтисод қилиб олинди. Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ташсельмаш» заводида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам худди шундай ижобий гапларни айтиш мумкин.

«Ўзбектекстильмаш» бирлашмаси корхоналарида иқтисодий тежаш топшириқларини муваффақиятли бажарилиши туфайли маҳсулотларни сарфлаш нормаси камайтирила бориб, беш йиллик давомида 2 минг тоннадан зиёд қора металлар прокати тежаб қолинади.

Олмалиқ химия заводи 1975 йилнинг ўзида 3046 тонна аммиак ва 32 минг тоннадан зиёд олтингугурт иқтисод қилди.

Фарғона пойафзал фабрикаси 1356 квадрат дециметр хром чарм товарлари ҳамда 1351 минг квадрат дециметр сунъий чарм, Тошкент тўқимачилик комбинати 220 тонна пахта толаси, Фарғона тўқимачилик комбинати эса 88 тонна пахта толаси тежаб қолди. Умуман, Енгил саноат министрлиги корхоналари бўйича иқтисод қилиб олинган хом ашёдан 2,5 миллион метр ип газлама қўшимча ишлаб чиқарилди.

Ер-мой саноатида тежашдан 3 минг тоннадан зиёд қўшимча ўсимлик ёғи ишлаб чиқарилди.

Бироқ, ҳамма ерда ҳам иқтисод ва тежамкорлик учун кураш бир хилда олиб бориляпти, деб бўлмайди. Металл прокатидан фойдаланиш коэффициенти ҳамон пастлигича қолаяпти. Шунинг оқибатида ҳар йили металлнинг кўплаб қисми қириндига чиқиб кетаяпти. Кўплаб ёғоч материаллари, цемент ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар нобуд бўлмоқда.

Кўпгина корхоналарда хом ашё ва материалларни ортиқча ишлатишга йўл қўйилмоқда. Улардан тежаб-тергаб самарали фойдаланиш учун зарур чора-тадбирлар кўрилмаяпти.

Хўш, бунга сабаб нима? Асосий сабаб шуки, иқтисод ва тежамкорлик учун белгиланган нормаларнинг бажарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилмаган. Иккинчидан, моддий ресурсларни сарфлашнинг техник нормаларини тайёрлаш ва ташкил этиш ишлари ёмон йўлга қўйилган. Масалан, «Союзхлопкомаш» бирлашмасига қарашли Тошкент машинасозлик заводида қора металлар прокатини иқтисод қилиш ишлари қониқарсиз олиб борилмоқда. Натижада корхона коллективи тўққизинчи беш йиллигининг тўрт йили мобайнида қора металлар прокатини сарфлашни қисқартириш топшириқларини бажара олмади. Топшириқдаги 1075 тонна ёки 16 процент металлни иқтисод қилиш плани бор йўғи 98,5 тонна ёки 2,6 процент бажарилди, холос. Бирлашма корхоналарида металл прокатидан фойдаланиш коэффициенти жудаям паст. Айрим турдаги деталлардан фойдаланиш коэффициенти 0,4-0,5 дан ошмайди. Оқибатда металларнинг кўпгина қисми чиқиндига чиқиб, улар бир йилда ўртача 300 тоннани ташкил этяпти.

Ўзбекистон металлургия заводида ҳам хом ашё ва материаллардан унумсиз фойдаланишмоқда. Сирланган пўлат идишлар ишлаб чиқаришга кетаётган металлардан фойдаланиш коэффициенти ўртача 0,62 га тенг.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Моддий-техника таъминоти Бош бошқармаси ўтказган текширишлар шуни кўрсатдики, корхоналарнинг 1976 йил учун моддий ресурсларга берган буюртмалари анча ошириб белгиланган. Улардаги ишлатилаётган сарфлар нормаси кўпгина ҳолларда моддий ресурсларни иқтисод қилиш учун курашни рағбатлантирмайди ҳамда ҳозирги замон техника шартли ва талабларига жавоб бермайди.

Айрим министрлик ва идоралар ўз корхоналари бўйича моддий ресурсларни сарфлаш нормасини тасдиқлаётганларида аввалги йилларда эришилган натижаларни ҳисобга олмаётирлар. Масалан, Самарқанд лифтсозлик заводи коллективи 1975 йилда бир лифт учун 7 килограмм эмульсия ишлатган эди. Корхона 1976 йилга шу миқдорлар учун 9,5 килограммдан эмульсия сўраган. Тошкент чинни заводида ўтган йили 28,2 граммдан каолин ишлатилди. Шу хом ашёни 1976 йилда ишлатиш нормаси эса ўнидир 38,2 граммдан тасдиқланган.

1975 йилда ўтказилган текширишлардан шу нарса маълум бўлдики, Бекобод ва Оҳангарон цемент комбинатларида, Ангрен керамика комбинатида, Олмалиқ конметаллургия комбинатида ўтга чидамли материаллар сарфлаш нормаси ҳаддан ташқари ошиқ. Аслида сарфлар планлаштирилган нормадагидан камдир. Бу, моддий ресурсларни сарфлашни нормалаш ишлари топширилган министрликлар, идоралар ва тармоқ институтларининг белгиланган нормаларни ўз вақтида қайта кўриб чиқмаётганликлари, моддий ресурсларни иқтисод қилиш ва улардан самарали фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқмаётганликлари ҳамда жорий этмаётганликлари туфайли рўй бермоқда.

Министрликлар ва идоралар ўнинчи беш йиллик учун моддий ресурсларни сарфлаш нормаларини қараб чиқаётганларида ва тасдиқлаётганларида улардан рационал фойдаланишни, хўжалик оборотига нормадан ташқари белгиланган материаллар запасини ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналарни кўпроқ жалб этишлари керак. Барча моддий ресурслардан омилкорлик, тежамкорлик ва самарали фойдаланиш барча хўжалик раҳбарларининг, барча меҳнат коллективларининг биринчи даражали вазифасидир. Чунки, барча моддий сарф-харажатларни атиги бир процентга қисқартириш бутун мамлакатимиз миқёсида миллий даромаднинг 4 миллиард сўмга ўсишини кўрсатмоқда. Бу, жуда катта бойликдир.

Ҳар бир сўмни, маҳсулотнинг ҳар бир тоннасини аниқ ҳисоблаш ва ундан самарали фойдаланиш, хўжасизлик ва тартибсизликни мутлақо тугатиш, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXV съездида таъкидлаганидек, бизнинг юксак партиявий бурчимиздир. Зеро, биз ўзимиз учун энг азиз бўлган Ватан бойлиги ва қудрати йўлида, халқ фаровонлиги ва равнақи йўлида тежамиз.

Е. ВИНИЦКИЙ,
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети моддий-техника таъминоти Бош бошқармасининг бўлим бошлиғи.

Тошкентдаги халқаро учрашув олдидан

Май ойида пойтахтимизда ўтказиладиган Осиё, Африка, Латин Америкаси мамлакатлари IV халқаро кинофестивалига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Уч қитъа кинематографчиларининг халқаро учрашувига тайёргарлик планида мўлжалланган маданий тадбирлар программасига кўра республика «Билимлар уйи»да ойига икки-уч марта кинофестивалда қатнашадиган мамлакатларнинг экран санъати ва санъаткорлари билан таништирувчи тематик кечалар ўтказилади.

Яқинда мана шу маданий тадбирлар программаси Япония кино санъати ҳақидаги кеча билан бошланди. Кино-экран шинавандалари Япония кинематографияси тарихи, унинг тараққиёти, етакчи санъаткорлари ҳақидаги лекцияни тингладилар. Кеча сўнгида «Бугун яшаш, эртага ўлиш», «Исён қўтарган киши» синғари япон фильмларидан парчалар намойиш этилди.

А. РЎЗИЕВ.

САБЗАВОТКОРЛАР АҲДИ

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Калинин райони меҳнаткашлари бу йил давлатга 71 минг тонна сабзавот, 7500 тонна полиз маҳсулотлари, 3 минг тонна гўшт, 5700 тонна сут, 38 миллион дона тухум, 95 тонна шилла ва бошқа маҳсулотлар сотади. Сабзавот ва картошка етиштириш ўтган йилдагидан 15 минг тонна кўпайтирилади. Кўпчилик хўжаликлар беш йиллик маҳсулот тайёрлаш планларини 3,5—4 йилда бажаради. Мева етиштириш ортади. Колхоз ва совхозлар ишлаб чиқаришда ихтисослаштиришга янада кўпроқ эътибор берилади. Самарадорлик ва сифат учун кураш кучайтирилади. Дала ишлари янада механизациялаштирилади.

◆

Районимиз Тошкент шаҳрининг биқинига жойлашган. Шаҳар меҳнаткашларини йилнинг тўрт фаслида юқори сифатли сабзавот, картошка, полиз, чорвачилик маҳсулотлари, мева ва узум билан таъминлаш вазифаси колхоз ва совхозларимиз зиммасига юклатилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг катта ёрдами туфайли районимизда ўтган беш йилликда барча турдаги маҳсулотлар етиштириш кўпайтирилди, давлат планлари, социалистик мажбуриятлар оширib бажарилди. «Ленин йўли», Ленин номли, Куйбишев номли колхозлар, «Бўзсув», «Партия XXI съезди», «Қорасув» совхозлари, ўнлаб бригада ва бўлимлар маҳсулотлар тайёрлаш беш йиллик планларини 4—4,5 йилда бажардилар.

Районимиз бўйича ҳосилдорликни ошириш ялпи тоннани кўпайтиришда асосий омил бўлди. Ўтган йили картошканинг гектаридан 113 центнер, сабзавотдан 220 центнер, шу жумладан помидордан 290 центнер, карамдан 250 центнер, бодringдан 141 центнер ҳосил олинди. Сабзи, пиёз ҳосилдорлигини кўтаришда анча муваффақиятларга эришилди.

«Бўзсув» совхози гектаридан 730 центнердан, шу совхознинг ўртоқ Калменов бошлиқ бригадаси 860 центнердан помидор олди. Бошқа колхоз ва совхозларда ҳам ҳосилдорлик анча кўтарилди.

Ўтган йилнинг тажрибаси районимиз хўжаликларида сабзавотчиликда самарадорликни оширish, маҳсулот сифатини яхшилаш учун катта имкониятлар борлигини кўрсатди. Энди муҳим вазифа ишни КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорлари асосида ташкил қилишдан иборат. Биз партия ташкилотлари ва меҳнаткашларнинг эътиборини ихтисослаштиришни кучайтиришга, ҳар қарич ер, ҳар қатра сув, ҳар килограмм ўғитдан оқилона фойдаланишга қаратмоқдамиз. Мақсадимиз она-ер нималарни беришга қодир бўлса, ҳаммасини ҳалол меҳнат ва техника қудрати билан олиб, халқимизга манзур этишдан иборатдир.

Сабзавотчиликдаги ютуқларимиз чакки эмас. Аммо, картошка, бодринг, сабзи, саримсоқ пиёз етиштиришдаги кўрсаткичлардан қўнглимиз тўлмаяпти. Бу йил ана шу тармоқларни ҳам сабзавотчиликнинг илғор соҳалари даражасига етказамиз. Ҳозир шунга яраша тараддуд кўрмоқдамиз.

Районимизда эртаги, ўртаги ва кечки сабзавотлар етиштирилади. Аралаш ва такрорий экинлар экиш, теплицаларда маҳсулотлар тайёрлашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Ўтган йили теплицаларда салкам 3 минг тонна сабзавот тайёрландиғ. Лекин бу талабни қондирмайди. «Қўйлиқ» теплица комбинати, «Партия XX съезди» колхози, «Партия XXI съезди» совхози теплицаларининг иш тажрибасини кенг оммалаштириб, маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришда янги марраларни эгаллашимиз керак. Съезд қарорлари шуни тақозо этяпти.

Районимизда боғдорчилик ва узумчилик салмоқли ўрин тутади. Гагарин номли совхоз, «Москва», «Партия XX съезди» колхозлари боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослаштирилган. Бу хўжаликларда боғлар ва токзорлар кенгайтирилянти. Мевали дарахтлар ва токзорларнинг сийраклашишига йўл қўйилмаяпти, серҳосил калта бўйли, қисқа бўғинли мевали дарахт кўчатлари ўтқазилянти. Қатор оралариии ишлаш механизмлар гарданига ортиляпти. Шу боисдан мева ва узум етиштириш кескин кўпаймоқда.

Боғбон ва соҳибкорларимиз бу йил ўтган йилдагидан анча кўп мева ва узум етказиб берадилар. Ҳозир мева дарахтлари ва токларга шакл бериш, қатор оралариии ишлаш, ўғитлаш, суғориш ишлари тезкорлик билан олиб бориляпти. Бегона ўтлар ва ҳашаротларга қарши кураш бутун чоралар билан кучайтирилмоқда.

Хўжаликларимизнинг бир қисм ери шаҳар қурилиш ташкилотлари ихтиёрига ўтказилди. Янги ер очиш имкониятимиз йўқ. Бундай кезда гектарларнинг тўлиқ, кўчатлар сонининг буд бўлишига алоҳида эътибор беришимиз, оралиқ ва такрорий экин экишни кучайтиришимиз керак. Ўтган йили такрорий экинлар экиш ҳисобига 15 минг тоннадан кўпроқ қўшимча маҳсулот олдик. «Москва», Куйбишев номли колхозлар, «Партия XXI съезди» совхози суғориладиган ерларнинг 50 — 60 процентига такрорий экинлар экиб, айниқса яхши натижаларга эришди. Уларнинг иш тажрибаси бу йил барча хўжаликларимизнинг мулкига айлантирилади.

Экинзорларимиз толиқиб қолаяпти, бундан кўз юма олмаймиз. Ерларни органик ўғитлар билан иложи борича кўпроқ, минерал ўғитлар билан меъёрида озиқлантиришимиз керак. Шунда ҳам ҳосилдорликни оширамиз, ҳам сифат ва сортнинг юқори бўлишини таъминлаймиз. Ҳар гектар ерга 30—40 тонна маҳаллий ўғит беришни қонда қилиб қўйдик. Шу мақсадда хўжаликларда ўғит жамғариш бригадалари ташкил қилиниб, уларга транспорт воситалари ажратиб берилди.

Ўсимлик касалликлари ва зараркунандалари ҳосилга жиддий зиён етказяпти. Тўғри ҳашаротларга қарши профилактик чоралар қўлланиляпти. Лекин кутилганча натижага эришилганича йўқ. Мутахассислар, хусусан химизаторларнинг масъулиятини оширишимиз керак. Гербицидлар ва бошқа химикатлардан оқилона фойдаланилса, касалликлар ҳам, зараркунандалар ҳам кескин камаяди. Бегона ўт ҳашаротлар уясидир. Уларни йўқотишимиз керак. Ҳамма боғлар, токзорлар, сабзавот майдонларида комплекс тадбирларни мукаммал ўтказишимиз лозим. Бироқ, таъсирчан химикатлар етишмаяпти. Даҳлдор ташкилотлар бу борада бизга ёрдам беришлари зарур.

Уруғчилик бош масаладир. Афсуски бу борада жиддий камчиликлар бор. Картошка, карам, бодринг ва бошқа кўплаб экинлар уруғи қўшни республикалардан келтирилмоқда. Ваҳоланки биз уларга уруғлик етказиб беришимиз керак. Бу йил ҳар бир колхоз ва совхозимизда катта майдонларни эгаллаган уруғчилик бўлимлари ва бригадалари ташкил қилинди, иш бошига мутахассислар ва тажрибали деҳқонлар қўйилди. Ўйлайманки, бу масала ижобий ҳал қилинади. Партия ташкилотлари уруғчилик масаласини қаттиқ назорат остига оладилар.

Ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилида давлатга 71 минг тонна сабзавот, 7500 тонна қовун-тарвуз етказиб беришимиз керак. Бунга асосан ҳосилдорликни ошириш йўли билан эришамиз. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, нисбатан паст ҳосилли хўжаликларнинг районнинг ўртача даражасига кўтарсак, қўшимча 2300 тонна картошка, 7800 тонна сабзавот олишимиз мумкин ва бунга албатта эришамиз.

Сабзавоткорлар, полизчилар, боғбонлар ва соҳибкорларнинг яқинда ўтказилган республика қурултойидан кейин ҳар бир колхоз ва совхозда 3—4 тадан бригада ва илғор бўлимларнинг ишчилари маҳсулотлар етиштириш беш йиллик планларини 3.5—4 йилда бажариш ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Ўнинчи беш йиллик давомида ана шундай бригада ва бўлимлар сонини кескин кўпайтириш режаларини белгиладик. Бу катта аҳамиятга эгадир.

Чорвачиликни ривожлантириш муҳим бурчимиздир. Шу йилнинг ўзидагина халқимизга 3 минг тонна гўшт, 5700 тонна сут, 38 миллион дона тухум, енгил саноатга 1050 центнер жун армугон этишимиз керак. Бунинг учун чорва моллар озуқа базасини мустаҳкамлашимиз, маҳсулдорлигини кескин оширишимиз зарур. Илғор сут соғувчилар 4—4,5 минг литрли маррани, молбоқарлар 400—450 килограммли маррани эгаллади-лар. Партия ташкилотларимиз барча чорвадорларимизни пешқадамлардан ибрат олишга даъват этмоқда.

Бу йил районимизда сабзавот, картошка ва бошқа маҳсулотлар етиштириш кескин кўпайтирилади. Бу деҳқонларимизнинг қўлидан келадиган иш. Даҳлдор ташкилотлар эртаги, ўртаги ва кечки экин ҳосилини ўз вақтида қабул қилиб олиш учун ҳозирданоқ пухта тараддуд кўришлари, хўжаликларимиз билан ҳамкорликда иш олиб боришлари керак. Транспорт масаласини ҳозирданоқ тартибга солишимиз лозим. Токи, етиштирилган ва етиштириладиган маҳсулотларимизни ўз вақтида юқори сифат билан озиқ-овқат саноати корхоналари, истеъмолчиларга етказиб бериш имкониятига эга бўлайлик.

Шу кунга қадар хўжаликларимизда экилган сабзавот экинлари майдони 1600 гектарга етди. 450 гектар ерга эса эртаги картошка экилди. 200 гектар майдонга плёнка остига экилган сабзавот экинлари парвариши бошланди.

КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларидан илҳомланган районимиз меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича оширib бажарадилар. Улар ана шу мақсад йўлида ўзларининг бутун куч-ғайратлари, билим ва тажрибаларини ишга соладилар, мавжуд имконият ва резервлардан самарали фойдаланадилар.

Р. ҚАМБАРОВ,
Калинин район партия комитетининг биринчи секретари.

АХБОРОТ
ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР

Андижондаги сут заводини реконструкция қилишга киришилди. Бу ерда қаймоғи олинмаган маҳсулот ишлаб чиқарувчи янги цехни барпо этиш ва сут қуйиб берадиган ғоят унумли автоматик линиялар қуриш мўлжалланди. Корхонанинг техника билан қайта қуроллантирилиши икки баравар кўп сут тайёрлаш ва ҳар сменада ишлаб чиқарилган сут миқдорини 60 тоннага етказиш имконини беради.

* * *

Қарши гўшт комбинати Украинча дудланган колбасани Сифат белгиси билан ишлаб чиқара бошлади. Корхонада янги йилнинг биринчи кунлариданоқ «Маҳсулотнинг сифати ва ташқи кўринишини яхшилайлик», деган шиор остида социалистик мусобақа кизиб кетди. Комбинат тайёрлайдиган маҳсулотларнинг тўрт хили Сифат белгиси билан тақдирланди.

* * *

Андижон парчалаш ишлари бошқармасининг коллективи «Ғарбий Полвонтош» конидаги кудукни муддатидан илгари фойдаланиш учун топширди. Бошқарма парчаловчилари бу билан шу йил иккинчи кудукни ишга туширдилар.

(ЎзТАГ).

ПЛАНЕТАМИЗДА

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ЮКСАК МЕҲНАТ ШИЖОАТИ

СОФИЯ. Болгарияда еттинчи беш йиллик план тез суръатлар билан бажарилмоқда. 1976—1980 йилларда мамлакат меҳнаткашлари олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Бу вазифалар Болгария Компартияси Марказий Комитети партия XI съездига тақдим қилган лойиҳасида аниқ таърифлаб берилган. Съезд шу ойнинг охирларида Софияда ўз ишини бошлайди.

Болгар халқи шу улуғвор вазифаларни бажариш учун 3 ойдан бери ишламоқда.

Москвада КПСС XXV съезди ўз ишларини давом эттирган кунларда Болгарияда юксак сиёсий руҳ ва меҳнат шижоати айниқса кучайди. Шу кунларда Болгария Халқ Республикасининг шаҳар ва қишлоқларида меҳнаткашлар коллективларининг КПСС XXV съездига ва БКП XI съездига бағишланган социалистик мусобақаси мислсиз кенг қулоч ёйди. Бу мусобақа Болгарияда кенг тарқалган «Съезд ишкита — максад битта» деган шиор остида ўтди ва давом этмоқда.

ЯНГИ ТАРМОҚ

ВАРШАВА. Бу ерда шаҳарларнинг коммунал хўжалиги учун зарур асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни ривожлантириш программаси тасдиқланди. Шу программага мувофиқ халқ Польшасида машинасозликнинг бутун бир янги тармоғи вужудга келади. Мамлакатда кўчалар ва хиёбонларни тозалайдиган, аҳлат ташийдиган, шунингдек водопровод ва газ учун керакли машиналар ишлаб чиқарувчи комбинатлар ва айрим корхоналар бирлашмаси тузилди. Познань, Вроцлав, Лодзь шаҳарларида шу зарур асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарувчи катта-катта комбинатлар барпо этилади.

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ КЕНГАЙМОҚДА

ПРАГА. Жанубий Моравия областининг индустриал маркази халқаро машинасозлик ярмаркалари шаҳри бўлган Брнонинг чеккасида барпо этилаётган янги уй-жой райони ўн мингинчи оилани қабул қилди. 50 минг аҳолига мўлжалланган бу районга Чехословакия — Совет дўстлиги номи берилганлиги бежиз эмас. Социалистик Чехословакиянинг шу илғор қурилишида ҳамма ишлар совет шаҳарсозлари билан мустаҳкам ҳамкорликда олиб борилмоқда. Брнода Совет Иттифоки ёрдами билан барпо этилган уйсозлик комбинати шу районга йирик панеллар ва бошқа деталлар юбориб турибди. Қурилишда совет бинокори—новатор Н. А. Злобиннинг методи кенг қўлланилмоқда.

Брно шаҳрининг янги райони Чехословакияда олтинчи беш йилликда қад кўтараётган сон-саноқсиз янги қурилишларнинг биридир.

Республика меҳнаткашлари шу беш йилликда 640 минг тадан кўп янги квартира оладилар.

(ТАСС).

МУЗОКАРАЛАР БОШЛАНДИ

ЛОНДОН, 22 март. (ТАСС). Бугун бу ерда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Буюк Британия ташқи ишлар министри Ж. Каллаган ўртасида музокаралар бошланди. Амалий ва дўстона вазиятда ўтаётган музокаралар давомида Совет — Англия муносабатларини ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Шу куни Ж. Каллаган А. А. Громикониинг Буюк Британияга келиши муносабати билан қабул маросими ўтказди. Қабул маросими самимий, дўстона вазиятда ўтди.

ЛИВАНДАГИ ВАЗИЯТ ЯНА КЕСКИНЛАШДИ

БАЙРУТ, 22 март. (ТАСС). Пойтахтда, шунингдек Ливаннинг кўпгина тоғлик районларида президент С. Франжье тарафдорлари билан миллий-ватанпарвар кучлар бирлашган отрядлари ўртасида қуролли тўқнашув чиқди.

Матбуотнинг хабар беришича, миллий-ватанпарвар кучларнинг раҳбарлари Ливаннинг муваққат ҳарбий губернатори А. Аҳдабга содиқ ҳарбий бўлинмалар мададида президентни зўрлик билан истеъфога чиқаришга қарор қилдилар. Шу муносабат билан генерал А. Аҳдаб ҳарбий ненгаш тузилганлигини ва унга С. Франжьени истеъфога чиқариш тарафдорлари кирганлигини эълон қилди.

Ҳозирги вақтда бутун Байрутда, шунингдек президент саройига бевосита яқин жойлашган Алейнахвале районида катта қуролли тўқнашувлар бўлмоқда. Президент С. Франжье тарафдорлари тўплар ва миномётлардан ўқ узиб, муваққат ҳарбий губернатор А. Аҳдаб кучлари назоратида бўлган Байрут радиостанциясини ишдан чиқаришга уриниб кўрдилар. Вазият кескинлашганлиги сабабидан Байрут халқаро аэропорти ёпиб қўйилди.

Сиёсий арбобларнинг мулоқотлари чоғида конституцияга тузатиш киритиш тўғрисида принципиал келишиб олинди. Бу тузатишга кўра президент ваколат муддати тугагунига қадар истеъфога чиқиши мумкинлиги кўзда тутилади.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

▲ БЕРЛИН

Бу ерда меҳмон бўлиб турган Чили Халқ бирлиги ҳукуматидаги собиқ юстиция министри Сержио Инсунс журналистларга бундай деди: бутун дунёдаги демократик жамоатчилик Чили Компартияси Бош секретари Л. Корвалан ва мамлакатнинг бошқа ватанпарварлари устидан шармандали суднинг олдини олишга бутун куч-ғайратларини қаратишлари лозим. Л. Корваланга қўйилган айблар ҳеч қандай асосга эга эмас, бу айблар тамомила ҳалбакидир.

▲ ЖЕНЕВА.

Швейцарияда Совет Иттифоқи кунлари бошланди. Ана шу кунлар программасига мувофиқ пойтахтдаги Плейпал залида Белоруссия амалий санъати кўргазмаси очилди, совет халқининг ҳаёти ва унинг ютуқлари тўғрисида ҳикоя қилувчи фотоэкспозиция ташкил қилинди.

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

НЬЮ-ИОРК, 22 март. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши Исроил маъмурларининг оккупация қилинган араб территориясидаги жазо чоралари натижасида вужудга келган жиддий аҳволни муҳокама қилиш учун шошилинч тартибда мажлис тўплади.

Ривожланаётган давлатларнинг катта бир группаси номидан Ливия Араб Республикасининг БМТ ҳузуридаги вакили йўллаган мактубида Қуддусда ва Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги бошқа районларда вазият тобора хатарли тус олаётганлиги уқтириб ўтилади. Маҳаллий араб аҳолиси Исроил босқинчиларининг шарқий Қуддусни ва бошқа территорияларни ўзлаштириш йўлидаги уринишларини барбод этишга қаттиқ киришдилар. Полиция арабларнинг оммавий чиқишларига жавобан, дейилади ҳужжатда намойишчиларга бир неча марта ўт очди. Исроил ҳарбий бўлинмалари тинч граждан аҳолига нисбатан жазо чораларини қўлламоқдалар, уларни ёппасига қамоққа олмоқдалар, маҳаллий аҳолини қўрқитишга интилмоқдалар. Исроилнинг бундай ҳаракатлари шу райондаги аҳволни янада кўпроқ даражада кескинлаштирмоқда ва Яқин Шарқдаги мозорони адолатли ва тинч бартараф этишга эришишни хавф остида қолдирмоқда.

Ливия ривожланаётган мамлакатларнинг БМТдаги катта группаси номидан, Исроилнинг ўзи оккупация қилган араб территорияларидаги зўравонлик ҳаракатларига ва полициянинг жазолаш чораларига хотима бериш учун самарали чоралар кўришга Хавфсизлик кенгашини даъват этди.

Мажлисда Фаластин халқининг ягона қонуний намояндаси бўлган Фаластин Озодлик ташкилотининг вакили қатнашди.

АРАБ ШАРҚИ: ҚИЙИНЧИЛИКЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

СССР билан дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартноманинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида президент А. Садатнинг таклифи билан Миср Араб Республикаси қабул қилган қарор тасодифий ёки кутилмаган қадам эмас. Бундай қадамнинг қўйилишини Совет Иттифоқига нисбатан узоқ вақт давомида Садат юргизиб келаётган нодўстона сиёсатнинг янги кўриниши эканлигини фақат араб матбуотигина эмас, ғарб матбуоти ҳам қайд қилиб ўтмоқда. «Совет Иттифоқи билан дўстлик тўғрисидаги шартномани узиш, — деб таъкидлайди Англияда чиқадиган «Гардиан» газетаси, — А. Садатнинг ғарбга мойил сиёсат юргизаётганини кўрсатиши билан бирга сўнгги уч йилдан зиёд вақт давомида ривожланиб келган тенденциянинг энг юксак чўққиси ҳам бўлди».

Бу тенденция, аввало мамлакатга чет эл хусусий инвестицияларини кенг равишда жалб қилиш, ғарб капитал қўювчиларига ҳар хил имтиёзлар ва енгилликлар яратиб бериш, Миср революциясининг социал ва сиёсий ғалабаларидан воз кечишни назарда тутувчи «очиқ эшиклар» деб аталувчи сиёсатда ўзининг ёркин ифодасини топди. Лиявяда чиқадиган «Ал-Жиҳод» газетасининг таъкидлашича, А. Садат тузуми президент Носирнинг социалистик ва сиёсатларини унутиб юборди ва 1952 йил революциясининг кўпгина прогрессив ғалабаларини йўққа чиқарди. Мамлакат иқтисодий мустақиллигининг асосини ташкил этувчи саноатда давлат секторини тугатишга қаратилган йўл танлаб олинди. Экономиканинг кўпгина позиция ва воситалари яна Миср йирик буржуазиясининг ва чет эл монополияларининг қўлига ўтиб кетди. Миср хеётининг ҳамма соҳаларида спекуляция ва компрадор буржуазияси кенг авж ола бошлади. Айни пайтда меҳнаткашларнинг турмуш даражаси ҳаддан ташқари пасайиб бораётир.

Июль революциясининг социал ва сиёсий ютуқларидан воз кечишни оқлаш учун мамлакатда ҳозирги Миср раҳбарлигининг кўрсатмаси билан Жамол Абдил Носирни қоралаш юзасидан манфур кампания авж олдирилди. Миср Араб Республикасининг ҳукмрон доиралари ташқи сиёсат соҳасида миллий-озодлик кучлари ва прогрессив тузумларни қўллаб-қувватлаш ўрнига энг реакцион кучлар билан иттифоқ туза бошладилар.

Араб давлатлари ва ҳукуматлари бошлиқларининг Работ кенгаши қарорларига хилоф равишда Қоҳира Исроил билан Синайда қўшинларни узоқлаштириш тўғрисида сепарат битим тузди. АҚШ воситачилигида тузилган бу битим, Сурия президенти Ҳафиз Асад ҳақли равишда таъкидлаб ўтганидек, «тўлалигича Исроил планларига хизмат қилади ва араблар учун энг йирик орқага чекинишдир. Синай битими Исроилга ўз қўшинлари ва курол-яроғларининг катта қисмини Миср фронтидан олиб бошқа араб мамлакатларига қарши қўйиш имконини берди». Бу битим Миср ни амалда Исроил агрессиясига бевосита қаршилик кўрсатаётган араб давлатлари бирлашган фронтидан четга чикариш ва Тель-Авивга Синай ярим оролининг қарийб 90 процентини босиб олиш, шунингдек, Исроил томонидан босиб олинган бошқа араб ерлари — Иордан дарёсининг ғарбий соҳили, Жўпан тепаликлари, Ғазо райони, эски Қуддусда мустаҳкам ўрнашиб олиш имконини берди. Бу битим Фаластин араб халқининг қонуний ва даҳлсиз ҳуқуқларини, шу жумладан унинг ўз давлатини тузиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган ҳаракатларга ҳам катта зарба бўлиб тушди. Миср нинг бу ҳаракати унинг араблар дунёсида якқаланиб қолишига олиб келди.

«Очиқ эшиклар» сиёсати ҳам ўзини оқламади. МАР Бош министри Н. Салим келтирган маълумотларга кўра, Миср тўлов балансининг камомати бу йил 1,8 миллиард миср фунтига тўғри келади, ташқи кредитлар ва заёмларга ҳар йили тўланадиган қарзлар бу ҳисобга кирмайди. Америкининг ҳафталик «Ньюсуик» журналининг хабар беришича, Мисрнинг ташқи қарзи 11 миллиард долларга етди. «Миср қарзга шу қадар ботиб кетдики, — деб ёзади журнал, — Садат ҳатто 21 процентдан тўлаш ҳисобига 90 ёки 180 кунга қисқа муддатли қарз олган тақдирда ҳам қашшоқлашган миср оммасини боқа олмайди».

Қоҳиранинг янги пайдо бўлган «дўстлари» томонидан Мисрга берилаётган иқтисодий ёрдамга келганда, шуни айтиш керакки, бу ёрдам мамлакат учун сиёсий жиҳатдан қимматга тушмоқда. Бунинг учун у Миср халқи бошига кулфат тушганда нечука бор ёрдам берганлар билан алоқасини узишга мажбур бўлмоқда. Бу ўринда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Совет—Миср шартномасининг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарорни Садат Вашингтоннинг бу йил Мисрга 695 миллион доллар миқдорида иқтисодий ёрдам бериш тўғрисидаги ваъдасини олганидан кейин ва тез орада Садатнинг Саудия Арабистонига қилган сафаридан сўнг қабул қилинди. Садат Америка нефть монополияларининг макони бўлган Саудия Арабистонига борганида унга 300 миллион доллар миқдорида қарз берилган эди. Шу нарса равшанки, Саудия Арабистони қироли Холид ССР билан дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани узгача Садат тузумига молиявий ёрдам беришни шарт қилиб қўйган эди. Ҳолбуки бошқа икки шарти — «Мусулмон қардошлар» деб аталган реакцион ташкилот арбобларини Миср давлат аппаратининг барча бўғинларига киритиш ҳамда бошқа араб давлатларидан тушаётган молиявий ёрдамни сарфлаш борасида Миср устидан Саудия Арабистонининг чинакам назоратини ўрнатишдан иборат. Шартнома бекор қилинишининг асосий сабаблари мана шулар эди. 14 март куни халқ мажлисида Садат сўзлаган нутқда сўнгги йиллар ичида Совет — Миср муносабатларини бузиб кўрсатишга уриниб келтирган далилларига жаҳон асло ишонмади. Ҳатто Советларга қарши ҳар хил уйдирмалар тарқатувчи буржуа агентликлари ва матбуот органлари ҳам Садатнинг СССР Мисрга етарли ёрдам бермади ва қўллаб-қувватламади, шунинг учун шартномани узишга қарор қилинди, деб айтган сўзларини асосли сўзлар тариқасида қабул қилмадилар. «Бошқа бирор мамлакатга ССРнинг Мисрга кўрсатганичалик ёрдам кўрсатган бирор мамлакатни топиш қийин», — деб ёзади ўз шарҳларида Франс Пресс агентлиги.

Совет Иттифокининг Мисрга унинг ички ишларига аралашмаган ҳолда кўрсатган бегараз ёрдамини қоралашга ўз виждонини йўқотган ва сурбетлик даражасига етиб борган кишиларгина журъат этиши мумкин.

Шу кунларда Араб матбуоти ҳақли равишда таъкидлаётганидек, Совет—Миср ва Совет — Араб дўстлиги жонли воқеалик бўлиб уни бир томонлама ва ўзбошимча қарор билан ўзгартириб бўлмайди. Асвон тўғони ва Совет — Араб дўстлигининг умри ҳозирги кунда Миср халқи қалбидаги энг яхши туйғуларни қоралашга урунаётган кимсалар умридан анча узоқдир.

Табиийки, Миср раҳбарлигининг сўнгги йилларда Совет Иттифокига нисбатан ўтказиб келаётган сиёсати учун ҳам, шу жумладан ССР билан МАР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг бекор қилиниши оқибатлари учун ҳам бутун жавобгарлик Миср зиммасига тушади.

Совет Иттифоки ўз томонидан Миср халқи билан дўстона муносабатларни ривожлантиришга қаратилган принципиал изчил сиёсатни ўтказиб келди ва шу сиёсатни бундан буён ҳам ўтказаверади. Сўнгги йилларда Совет Иттифоки билан Сурия, Ирок, Жазоир, Жанубий Яман, Ливия Араб Республикаси, Фаластин Озодлик ташкилоти ўртасида мустаҳкам — негизда яхши муносабатлар вужудга келди, сақланиб қолмоқда ва ривожланмоқда. Совет Иттифокининг мустамлака қарамлигидан озод бўлиб, осон бўлмаган қийин йўлдан ривожланиб бораётган мамлакатлар билан алоқаларини ҳар томонлама мустаҳкамлашдан иборат бўлган бу жараённинг ҳозири ва истиқболи порлоқдир.

С. ЛОСЕВ,
(«Сельская жизнь»нинг 21 март сонидан).

Сиз суратда кўриб турган гулгун чеҳрали бу қиз Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхози сут-товар фермасининг донгдор сигир соғувчиси Мақсуда Қўлдошева. У бундан икки йил илгари 10-синфни тамомлаб фермага ишга келган эди. Мақсуда ўзига бириктирилган соғин сигирларнинг маҳсулдорлигини ошира бориб, ўтган йили 73 тонна серқаймоқ сут соғиб олди. Унинг бу йилги мақсади партиямиз XXV съезди қарорларига жавобан 18 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 4 минг килограммдан сут етиштиришдир.

А. Тўраев фотоси.

ЯНГИ СОВХОЗЛАР

НАВОИЙ (телефон орқали). Малик чўлида боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослаштирилган янги «Малик» совхози ташкил қилинди. Ҳозирдаёк совхоз территориясидаги 600 гектар майдонга ток каламчалари ва мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. Ўнинчи беш йилликда боғлар ва токзорларни 2 минг гектардан ошириш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, районда қоракўлчиликка ихтисослаштирилган «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхози ҳам ташкил этилди. Бу хўжаликнинг ферма ва отарларида 50 минг бош қорақўл қўй боқилиб, юқори сифатли қоракўл тери, жун ва бўрдоқи тўшти етиштирилади.

Районда пилланчиликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда янги ипакчилик совхози ҳам ташкил қилинди Районда олиб борилаётган 1200 сигирга мўлжалланган чорва комплекси қурилиши ҳам тугалланиш арафасида.

КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорлари асосида Малик чўли улкан хазиналар маскани га айлантирилади.

ЮКСАК МАРРА

Ўзбекистон чорвачилик илмий тадқиқот институтининг «Красний водопад» экспериментал базасининг фермаси ҳозирги вақтда Бўстонлик сут заводига жўнатаётган сут нуқул биринчи сортга қабул қилинмоқда. Республиканинг донгдор сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. И. Чудиная ғоят сифатли сут топширмоқда. У йил бошидан буён ҳозиргача 140 тонна сут соғиб олди.

Анастасия Ивановна КПСС XXV съезди шарафига ўтказилган социалистик мусобақага қўшилиб ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида янги рекорд маррага эришишга — қабул пунктига 688 тонна сутни нуқул биринчи сортга топширишга аҳд қилди. Бу эса ўтган йил топширилган сут миқдоридан 80 тонна кўпдир.

— Анастасия Чудиная ва унинг ёрдамчиси Люба Моварь, деб ҳикоя қилади бизнинг бош зоотехнигимиз Л. Салибоев, — институтда такомиллаштирилган «Тандем-8» маркали соғиш аппаратида ишлайдилар. Хонага теплогенератор ўрнатилган бўлиб, қиш фаслида бу ерда ҳаво илиқ ва қуруқ бўлади. Бу эса чорва маҳсулдорлигининг кўпайишига сама рали таъсир ўтказмоқда. Улар ҳар бир сигирдан ҳар куни ўртача ҳисобда 11 килограммдан ва бундан ҳам кўпроқ сут соғиб олмоқдалар. Меҳнат чиқимлари ҳам камайиб бормоқда. Эндиликда бир центнер сут етиштириш учун ўтган йилдагига нисбатан 0.07 киши-кун кам сарфланмоқда.

(ЎзТАГ).

УНУТИЛМАС УЧРАШУВЛАР

«ЗАНГОРИ ЭКРАН»ДА

Мустақил ҳаётга биринчи қадам қўяётган ёшлар учун кимлардан ибрат олиш, қандай инсон бўлиш жуда муҳим, жиддий масаладир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон телевидениесининг «Қизиқарли учрашувлар» программаси тез орада томошабинлар эътиборини қозонди. Марказий телевидениенинг «Орлёнок» студияси программасига ҳамоҳанг, пресс-конференция жанридаги ушбу кўрсатув ўсмирлик даврининг олтин дамларини мазмунли бошлаган, ундан унумли фойдаланган, ҳозирда эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган кишилар билан ёш мухбирлар ўртасида кечадиган самимий, дўстона суҳбатга асосланган.

Кўрсатувнинг томошабинлар ўртасида мунаввар қозониши сабабларидан бири учрашувга турли касб эгаларининг, билимдон, машҳур одамларнинг таклиф этилишидир. Ҳозиргача «Зангори экран»да ёшларнинг «Ташсельмаш» заводининг донгдор слесари М. Мўйдинов, машҳур пахтакорлар Т. Оҳунова, А. Одилов, атоқли олим С. Ҳ. Сирожиддинов, генерал-майор С. Оҳунжонов, СССР халқ артистлари С. Эшонтўраева, О. Хўжаевлар билан мароқли учрашувлари бўлиб ўтди.

Навбатдаги учрашувга Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXV съезди делегати академик Обид Содиқов таклиф этилди.

Телевидениенинг позивнойлари янграб, кўрсатувнинг доимий бошқарувчиси Н. Иброҳимова учрашувни очади. Ёш мухбирлар биринкетин ўзларини қизиқтирган саволлар билан меҳмонга мурожаат қиладилар.

«Сиз ёшлигингизда ким бўлишни орзу қилардингиз?», «Ўсмирликдан алколоидлар олишда илк изланишларингиз қандай кечган?», «Маданиятли киши қандай бўлиши керак?», «Ҳаётингиздаги энг қувончли дамлар ҳақида гапириб берсангиз?», «Сиз олимлардаги қайси фазилатларни қадрлайсиз?», «Кимё фанининг келажаги ҳақида сиз қандай фикрдасиз?». Бундай саволлар неча минглаб ёш томошабинларни ҳам қизиқтириши табиий. О. Содиқов қўйилган саволларга батафсил жавоб бериб, турмуш тажрибалари, ёшлик, инсонийлик, бурч, замондошларимизнинг ажойиб фазилатлари, халқ хўжалигини ривожлантиришда кимё фанининг аҳамияти, унинг истиқболлари ҳақида сўзлайди. Академик ҳикояси, хотиралари орқали томошабинлар кўз ўнгида косиб-ўсмирнинг оддий ходимдан республика академиясининг президенти даражасигача босиб ўтган ибратли ҳаёт йўли гавдаланиб боради. Олим кўп меҳнат қилган киши албатта бахт топади, ҳар инсон ёшлигидан бошлаб ҳур Ватанимиз, саодатли давримиз берган неъматлар, имкониятлардан оқилона фойдаланишга ўргатиши, тинимсиз ўқиб-ўрганиши, она юрти, халқига наф етказиш орзуси билан яшаши керак, каби олижаноб фикрларни суҳбатдошларига сингдиради. Камолотга етишувида катта роль ўйнаган биринчи муаллималари, устозларини ҳурмат билан эслайди. Ёшликдаги нурли орзуларга садоқатли бўлинг, ажойиб замонамизнинг қадрига етинг, моддий ва маънавий бойликлар яратиш ишига ҳисса қўшиб, Ватан шуҳратини оширишга шайланинг, тўзал, етук инсон бўлишга интилинг, дейди у.

«Қизиқарли учрашувлар»нинг ҳар бир программаси томошабинлар хотирасида унутилмас бўлиб қолишига тилакдошмиз.

А. КАРИМОВ.

Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

Телевидение

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 16.00 — МОСКВА. 17.25 — ТОШКЕНТ. 17.30 — Ўқув кўрсатуви. 18.30 — «Қизил галстук». 19.00 — Миллионлар ёшинча университети. 19.15 — **«Ахборот».** 19.30 — Партия планлари — халқ планлари. 20.00 — **Қизлар давраси.** 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — Бадиий фильм. 22.00 — МОСКВА. **«Вақт».** 22.30 — **Футбол:** ВОЛГАГИЯ — СССР. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 17.25 — МОСКВА. 17.55 — **Буратиноннинг саргузаштлари** (бадиий фильмнинг 1-сериляси). 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Расмларда қўёш акси бор. 19.30 — Саволларга жавоблар. 20.00 — Концерт. 20.30 — Телефильм. 22.00 — Биз — 70-йиллар комсомоллари. 22.30 — **Ковбан ҳақида ўйлар** (бадиий фильм). **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.55 — ТОШКЕНТ. 19.00 — Ўқитувчи экрани. 19.30 — КПСС XXV съезди қарорлари — ҳаётга! 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.15 — Кўҳна девор (бадиий фильм). 21.50 — Ўқув кўрсатуви.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/III да Оқшомдан тушгача, 25/III да Қароқчилар.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/III да Жон қизлар, 25/III да Комедия, комедия, ёхуд ҳангома (12.00). Кўнгли ёш қариялар (кечқурун).

Кино

Саҳро ва чангалзорларда — С. РАҲИМОВ номли (11.30, 14.30, 17.30, 20.15), «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Мени ёлғиз қолдирма — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Хўрланганлар — «НУКУС» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Рам ва Шам — «ЯНГИ ОБОД» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудири: рус тили таълими методикаси;

кафедра катта ўқитувчилари: зоология, инглиз тили, геология-география, математика, умумий техника фанлари ва меҳнат;

кафедра ўқитувчилари-ассис. тентлари: сиёсий иқтисод, жисмоний тарбия, рус тили таълими методикаси, умумий техника фанлари ва меҳнат, педагогика.

Конкурсда илмий даражага эга бўлганлар ёки олий ўқув юртларида катта иш тажрибасига эга бўлганлар қатнашишлари мумкин.

КОНКУРС МУДДАТИ—ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент область, 702500, Ангрен шаҳри, 48-квартал, кадрлар бўлими.

«ТАШКЕНТВОДСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ

ЎҚУВ КОМБИНАТИ

бульдозерчи-скреперчи ва экскаватор машинистларини тайёрлайдиган

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсларга 8-10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 20-34 ёшдагилар қабул қилинади.

Ўқувчилар махсус нийм ва ҳар ойда 76 сўмдан стипендия билан таъминланади.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 АПРЕЛДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга киручилар: ариза, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат, 286-формадаги медицина справкаси, таржимаи ҳоли топширадилар.

Курсларни тугатганлар трестнинг қурилиш ташкилотларига ишга юборилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Тошкент денгизининг чап қиргоғи.

НАФОСАТ ҚАСРИ БЕЗАНМОҚДА

Тошкентнинг янги маркази қурилиши Алишер Навоий номидаги академик Катта театр биноси қурилиши билан бошланган дейишади. Ўтган йили республикамиз пойтахтидаги ана шу энг кўркам бинолардан бирини тубдан реконструкция қилишга киришилган эди. Энди бўлса унинг олдидаги фонтан майдони атрофига ҳам тахта девор тутилди. Ҳар иккала объектда қурилиш ишлари қизғин.

— Фарзандининг ота ёнига кириб, тез кунда унинг қўлидан ишини олиши эски удумларимиздан биридир, — дейди «Главташкентстрой»га қарашли 3-қурилиш трестининг 5-қурилишмонтаж бошқармаси участка бошлиғи Евгений Пинман. — Бундан ўттиз йилча муқаддам — эндиликда Тошкент меъморчилигининг энг яхши намунаси бўлиб қолган опера ва балет театри биноси қурилишига отам Леонид Яковлевич бош бўлган эдилар. «Отамерос» бино ремонти ва реконструкцияси, қарангки, бизнинг чекимизга тушибди.

Бу ерда олиб борилаётган ишлар кўлами жуда кенг. Сантехника ва электр ускуналар батамом янгиланиши, саҳна замонавий талаблар даражасида механизациялаштирилиши лозим. Янги кондиционерлар ўрнатилиши эса бино ҳавосини мўътадил сақлаш имконини беради. Залга янги мебеллар қўйилади. Томошабинларга яна бир қанча қулайликлар яратиш мўлжалланмоқда. Икки юзга яқин динамик ўрнатилиши зал акустикасини яхшилаш, махсус венгер қурилмаси ёрдамида текст бир йўла тўрт тилда эшиттириладиган бўлади.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг ремонт-қурилиш бошқармаси пардозловчилари бинонинг ташқи безаги билан шуғулланмоқдалар.

— Бизнинг иш театр биноси реконструкциясининг давомидир, — дейди «Таштрансспецстрой» трестининг 5-қурилиш бошқармаси прораби Евгений Иванов. — Зеро, фонтан атрофининг янада файзли бўлиши академик А. Шчусевнинг бебаҳо тархи асосида яратилган бино улуғворлиги, гўзаллигини янада бўрттириб кўрсатишга хизмат қилади, холос.

Фонтан атрофига театр биноси мармари рангига монанд 50х50 сантиметр ҳажмли 16 минутга қизғиш плита ётқизилади. Ғазалкентнинг нулранг-кўкиш гранит деворчалари плиталарни катта квадратларга ажратиб туради. Бу деворчаларнинг жами узунлиги 6 километр. Майдондаги зиналар ҳам қайтадан қурилади. Қурувчилар фонтан атрофидаги ишларни доқиймиз В. И. Ленин тугилган кунгача тугаллаш тараддудидалар.

Р. ҚОСИМОВ,

Суратларда: 1. Фонтан атрофида иш қизғин. 2. Плита ётқизиш. А. Глауберзон фотолари.

АХБОРОТ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР

ГАЗЛАШТИРИШ ТЕЗЛАШМОҚДА

«Союзузбекгаз» трестига қарашли 6-механизациялаштирилган кўчма колонна коллективи шаҳар, район, колхоз ва совхозларни газлаштиришда анча ишларни бажарди. Колонна коллективи ўнинчи беш йиллик планларини муддатидан олдин бажариш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб ишламоқда. Улар Ленинобод районидаги «Тошкент» совхози посёлкаси ва район марказига табиий газ келтиришда монтаж ишларини адо этмоқдалар.

Ўнинчи беш йилликда автоном республиканинг шаҳар ва районлари, колхоз ва совхозлари табиий газ билан тўла таъминланади.

«СОВЕТ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНИ» КИНОЖУРНАЛИ

Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли кинофильмлар студиясининг Қорақалпоғистон филиали «Совет Қорақалпоғистони» киножурналининг биринчи сонини автоном республика экранларига чиқарди. Томошабинлар журналнинг бу сонида Қорақалпоғистон области XXV партия конференцияси, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрининг Нукусдаги гастроли билан танишадилар.

Киножурналда халқ шоири, Бердах номидаги Қорақалпоғистон АССР Давлат мукофоти лауреати Иброҳим Юсуповнинг ижодий фаолиятига кенг ўрин берилган. Таниқли шоирнинг колхозчилар, ишчилар ва зиёлилар вакиллари билан учрашувлари ҳам акс эттирилган. Киножурнал ёш кинорежиссёр Т. Одилбоеванинг иккинчи ижодий ишидир.

ТЕЛЕФОН ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНАДИ

Нукус шаҳрини телефонлаштириш тезкорлик билан давом эттирилмоқда. «Союзтелефонстрой» трестига қарашли Тошкент қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи шаҳарнинг шарқий қисмида жойлашган микрорайонда 4000 точкали автомат телефон станцияси қурилишини бошлаб юборди. Автомат телефон станцияси қурилиши шу йилнинг иккинчи ярмида битказилиб ишга туширилади. Йилнинг охирига бориб телефон точкалар сони 9500 тага етказилади.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«Чортоқ» санаторийсида мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган меҳнаткашлар даволанишади. Шунинг учун ҳам санаторий коллективи шаънига айтилган илиқ гапларни, миннатдорчилик туйғуларини узоқ-яқиндан эшитиш мумкин. Тошкентлик қурувчи П. Содиқов қўли енгил шифокорлар ҳақида ҳаяжон билан шундай деди:

— Икки оёғим анчадан бери қаттиқ оғриб эди. Бу ерга келиб, дардни кўрмагандай бўлиб кетдим. Айниқса ванна қабул қилиш пайтида медбрат Хошимжон Абдураҳимов, ҳамшира Соня Сафаянова, Шакархон Солиева ва санитарка Мубораҳон Назарматоваларнинг ҳушфеъллиги, ширинсуҳан, ҳушмуомалалиги даволанишимизга катта таъсир кўрсатди.

— Мен, — дейди фарғоналик колхоз раиси Ф. Муҳиддинова, — икки оёғим бирдан ишламай, пайлари тортишиб қолди, қаттиқ азобландим. Врачлар «Чортоқ» санаторийсига боришимни маслаҳат беришди. Бу ерга катта умид билан келдим. Умидларим рўёбга чиқди. Санаторийнинг жонкуяр тажрибали врачлари ёрдамида оёққа турдим. Саломатлигим қайта тикланишида Ёқубжон Юнусов, Ренат Ҳакимов. Зоҳидахон Тошматова ва бошқа ўртоқларнинг хизматлари катта бўлди.

Бу ерда ана шундай юрак сўзларини изҳор этиб, даволанаётганлар кўплаб топилади. Шулардан бири қорасувлик врач А. Умурзоқов шундай дейди: — Биз шифокорлар бу ерда яратилган маданий-маиший шароитдан жуда миннатдормиз. Маълумки, лаззатли таом киши саломатлигини мустаҳкамлайди. Айниқса миллий таомларнинг дид ва ҳафсала билан тайёрланиши киши иштаҳасини очади. Бугина эмас, даволанувчилар учун парафин, электр даволаш бўлимлари ҳам намунали хизмат қилмоқда.

Маиший хизмат уйи, кино-театр, биллиардхона, кутубхона, 5 та чойхона даволанувчиларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Яхши ҳордиқ чиқариш учун турли ўйинлар, экскурсиялар мунтазам ташкил қилиб турилади.

ЮРАК СЎЗЛАРИ

«Чортоқ»қа келиб, шифо топаётганлар жуда кўп. Улуғ Ватан уруши инвалидларидан: Семипалатинскдик А. Воронцов, риштонлик М. Мадаминов ва бошқалар шулар жумласидандир. Қувончлиси шуки, хоразмлик М. Худойназаров, сирдарёлик Н. Раҳимов, қорақалпоғистонлик О. Ешимбетов ўртоқлар кўлтиқ таёқларини санаторийга «эсдалик» учун қолдириб кетишди.

«Чортоқ» санаторийси йил сайин кенгайиб, малакали кадрлар билан мустаҳкамланиб бормоқда. 80 ўринли 3 та ёзлик корпус қурилиб, фойдаланишга топширилди. Даволанувчилар сони ҳозирда 880 тага етди. Шифохонада ошқозон, ичак касалликларини даволовчи бўлимнинг очилиши кўпчиликни хурсанд қилди.

КПСС XXV съезди қарорларидан руҳланган шифокорлар халқ саломатлигини яхшилаш борасида тинмай изланмоқдалар.

Х. МАРАСУЛОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

Қ. ТОШБОЛТАЕВ.

ФАН ЯНГИЛИКЛАРИ

ФОЙДАЛИ УСУЛ

Энгельс номли колхоз деҳқонларининг буюртмасига биноан Қарши давлат педагогика институтининг физик олимлари бу ерда саноат нўламидаги гелиотеплица барпо этиш юзасидан илмий тавсиялар тайёрлаб қўйдилар. Бу тавсиялар шаҳар чеккасидаги хўжалик область маркази аҳолисини қишда ҳам янги сабзавотлар билан таъминлаб туриши имконини беради.

Гелиотеплица одатдагисига қараганда уч баравар арзонга тушади. Парник эффенти принципига асосланган бу теплица қўшимча иситишни талаб қилмайди. Аккумуляторлар ортиқча қуёш энергиясини кун бўйи йиғиб, тунда ёки ҳаво булут бўлганда иссиқликни теплицага автомат тарзда чиқариб туради.

ЁРУҒЛИК НУРИ АНАЛИЗ ҚИЛАДИ

Асбоб яхшилаб анализ қилиши учун бир неча секундгина кифоя... Тойдан олинган пахта намунаси шаффоф кассета ичига қўйилиб, ундан кучли ёруғлик нури ўтказилади. Тўсиндан ўтган ёруғлик зарралари оқими ушланиб, электр магнит тебранишларига айлантирилади. Шу тебраниш интенсивлигини автомат регистратор қайд этади. Шкала стрелкаси пахтанинг сорти ва толанинг сифати тўғрисида шу заҳоти аниқ маълумот беради.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг физик олимлари шу асбобни ясадилар. Улар тинимсиз муҳитдан ёруғлик нури ўтиш ҳодисасидан фойдаланиб, пахтанинг сифат характеристикаларини аниқлаш вазифасини энг мақбул тарзда ҳал этишга уринib кўрдилар. Бу вазифа ғоятда машаққатли бўлиб, шу вақтга қадар завод ходимларининг кўп вақтини олиб келарди. Олимлар шароит ва режимни ўзгартириб, тажрибани неча ўнлаб марта такрорладилар-асбоб биронта ҳам хато қилмади. Республиканинг пахта заводларида ҳам асбоб синаб кўрилди. Мутахассислар бу анализаторга яхши баҳо бермоқдалар.

(УзТАГ).

ИЛМИЙ СЕССИЯ

АНДИЖОН. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Бу ерда ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳ. Ҳ. Ниёзий ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган ўн тўртинчи анъанавий илмий сессия бўлиб ўтди. Сессияни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясиси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти директори, филология фанлари доктори М. Қўшжонов кириш сўзи билан очди. Сессияда Ўзбекистон ССР Ҳамза номидаги Давлат мукофоти лауреати, филология фанлари доктори ,профессор Л. Қаюмов «Ҳамза Ҳакимзода ижоди халқаро миқёсда», Ўзбекистон ССР Бируний номли Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси Ю. Султонов «Ҳамзанинг ҳаётбахш анъаналари», Ўзбекистон ССР Бируний номидаги Давлат мукофоти лауреати, филология фанлари доктори, профессор Ҳ. Раззоқов «Ҳамза ва халқ оғзаки ижоди» деган мавзуларда докладлар қилдилар. Сессияда Ҳамзанинг поэтик образлари, Ҳамза асарларининг бадиий тил хусусиятлари ҳақида ҳам олимларнинг чиқишлари бўлди.

А. ҚУРОНБОЕВ.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

▲ ЖАҲОНДАГИ ЭНГ ЭСКИ МАШИНКА

БЕРЛИН. Дрезден техника музейи сотиб олган ёзув машинкаси жаҳондаги энг эски машинка деб эътироф этилди. Бу машинкани дурадгор Петер Миттенхофер 1864 йилда бошдан-оёқ ёғочдан ясаган. Мазкур машинканинг ишлаш принципи ҳозирги замон ёзув машинкалари принципига кўп жиҳатдан ўхшаб кетади.

Яқинда Дрезден музейи экспозициялари жаҳоннинг етакчи фирмалари томонидан 1867—1950 йилларда чиқарилган 172 та ёзув машинкаси билан бойиди.

▲ ОТ САЙРИ ИШҚИБОЗЛАРИ

СОФИЯ. Бизнинг кунларимизда ҳам, яъни XX асрнинг охирги чорагида ҳам узоқ масофаларга отда сайр қилиб боруvчилар бор экан. Болгариядаги катта «Балкантурист» ташкилотининг хабар беришича, бу ерга шу йили от минib ва от қўшилган фаэтон ҳамда араваларда 300 дан ортиқ француз сайёҳи келади.

▲ 1894 ЙИЛДА ЧИҚҚАН ТРАМВАЙ

БЕЛГРАД. Яқинда Белград кўчаларида 1894 йилда чиққан трамвай қатнай бошлайди. Бу трамвай туристларга мўлжалланган.

Электр қувватидан фойдаланиб юрадиган дастлабки 14 трамвай Белград кўчаларида 1894 йилда пайдо бўлган эди. Бу трамвайларнинг ҳар бирига 32 йўловчи чиқиб ўтириши мумкин.

▲ САЙЁҲЛАР УЧУН

ТОКИО. Японлар қўҳна нарсаларнинг ишқибози бўлиб, оиладаги уй-рўзғор буюмлари, ҳатто ёзув ашёлари коллекцияси авлоддан-авлодга ўтиб, бойиб келади. Бошқа нарсаларга қизиқиш ҳам авлоддан-авлодга мерос бўлиб қолмоқда. Масалан, баъзи япон хонадонлари бир неча авлод умри давомида қадимий ривоятларда тасвирланган ҳазиналарни қидириб келадилар. Бу ҳаққа япон солномаларида ҳам гапройиб гаплар ёзилган. Лекин ҳозирги кунда японларнинг... паровозга бўлган ишқибозлиги авж олиб, оммавий тусга айланиб кетди.

Ўтган йил охирида Японияниng қарийб ҳамма темир йўлларидаги захматкаш паровозлар уларнинг янги, ҳозирги замон «бирodарлари» — тепловоз ва электровозлар билан алмаштирилди. Матбуотда паровоз қўшилган посад охирги марта сафарга чиқади», деган хабар пайдо бўлиши биланоқ минглаб японлар «паровоз» коллекцияларини йиғишга киришиб кетдилар. Хатто Хоккайдо оролидаги баъзи темир йўл станциялари коллекционерларнинг илтимосига мувофиқ «паровознинг сўнгги рейси»ни деб эълон қилган бир неча минг махсус эсдалик билетлари ҳам чиқарилдар. Бу билетлар бир неча соат ичида сотилиб кетди.

Паровоз ишқибозларининг бу ҳаракатларидан корхона эгалари ҳам фойдаланиб қолдилар. «Сайёр» деган хусусий темир йўл компанияси узунлиги 3,6 километр бўлган махсус темир йўл қурди. Шу темир йўлда асримиз бошида ишлатилган вагонларни паровоз тортиб юради. Бу темир йўл юз йилча бурун ишлатилган ва шалаги чиққани учун фойдаланилмай ётган механик семафорлар билан жиҳозланди.

(ТАСС).

Редактор ўринбосари
Ж. ЖАББОРОВ.

МАҲОРАТ ЭЪТИРОФИ

САНЪАТ

Кинофильмлар ва саҳна асарлари тўлақонли чиқиб, томошабин олқишини олишида декорация усталарининг ҳам хизмати бор. Республикамизда санъатнинг бу соҳасида баракали ижод қилаётган мўйқалам усталари талайгина. Утган йили мамлакатимизда ва чет элларда ўтказилган кўргазмаларда уларнинг асарлари намойиш этилди.

Венгриядаги Хайдубесермен шаҳар Совети машҳур рассом Каплар Миклош номи билан аталувчи медаль таъсис этган бўлиб, бу медаль тасвирий санъатда ажойиб асарлар яратган венгер ва хорижий мамлакат рассомларига берилади. Яқинда иқтидорли мўйқалам соҳиби, Ҳамза номидаги Ўзбекисон ССР давлат мукофоти лауреати, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Эмонуэль Калонтаров ўша медаль билан мукофотланди.

Венгриянинг ана шу шаҳрида социалистик мамлакат рассомлари симпозиуми ўтказилган эди. Унда ГДР, Польша, Совет Иттифоқи, Руминия, Венгрия, Чехословакия, ва

Суратларда: Каплар Миклош медали. «Венгер этюди».

Автор фотоси.

О. АПУХТИН,
санъатшунос.

Тошкент халқ хўжалик институти ректорати, партия ва маҳаллий комитетлари, сиртқи факультет деканати ва «Эҳтимоллик назарияси ва математик программалаштириш» кафедраси коллективи доцент З. С. Косимовга онаси

Маҳкула МУҲАМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент ЛЕНИН проспекти № 41 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача.
Эълонлар — 338142.

Р. 03265. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. В. — 68.